O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Агар сиз сиёсат билан шуғулланмасангиз, сиёсат сиз билан шуғулланади.
Шарл МОНТАЛАМБЕР

Milliy Tiklanish

Gazeta 1995 yil, 10 iyundan chiqa boshlagan

Ўzbekiston Milliy tiklanish demokratik partiyasining haftalik gazetasi | 2002 yil, 8 iyun | 5-6 (256) son

«Миллий тикланиш» демократик партияси ва унинг газетаси етти ёшга тўлди

ПАРТИЯ 7 ЙИЛ ИЧИДА

28 май куни ЎзМТДП Марказий кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. «Ўзбекистон икки палатали парламент – демократия ва парламентаризмнинг янги босқичи, «Миллий тикланиш партиясининг сайловларга тайёргарлик вазифалари» мавзусида ўтказилган ушбу йиғилишда Марказий кенгаш аъзоларининг мавзуга доир фикр-мулоҳазалари тингланди,

ҒОЯЛАР АМАЛИЁТГА АЙЛАНСА

таклиф ва режалар муҳокама этилди. Партия ғояларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётда нечоғлик акс этаётгани, бу хусусдаги галдаги вазифалар тилга олинди.

Партиянинг Олий Мажлисдаги фракцияси аъзолари ҳам иштирок этган мазкур йиғилишда кадрлар масалалари ва бошқа ташкилий ишлар ҳам кўриб чиқилди. Таниқли адиб, «Ўзбекистон матбуоти» журнали Бош муҳаррири Хуршид Дўстмуҳаммедов Марказий кенгашнинг кадрлар ишлари бўйича котиби, «Жўрабек» хусусий дорихонаси раҳбари, Марказий ҳайъат аъзоси Мунира Қориева Марказий кенгашнинг молиявий ишлар бўйича котиби этиб сайландилар.

Шунингдек, мажлисда партия нашри бўлган «Миллий тикланиш» газетасининг мунтазам чиқиши учун ҳал қилиниши керак бўлган молиявий муаммолар ҳақида ҳам фикрлашиб олинди.

Йиғилиш сўнггида кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ

Вақт қанчалар тез ўтади! Кунларнинг чархпалаги бу қадар шитоб айланади. Кинолар уйида очилган биринчи партия таъсис қурултойининг ҳаяжонли дамлари. Кўзга кўринган Ўзбекистон зиёлиларининг намояндалари, мамлакатнинг турли вилоятлари, туманларидан келган янги партия тузишга бел боғлаган вакиллар. Уларнинг миллий тикланиш ғоялари халқимизнинг тақдири, толейи билан табиий бир тарзда чамбарчас боғланиб бораётганлиги ҳақидаги умидбахш сўзлари. Саид Аҳмад, Азиз Қаюмов, Эркин Воҳидов, Ҳамид Зиёев, Бўрибой Аҳмедов каби олимлар, адибларнинг ёрқин қутловлари! Дастур ва Низом юзасидан бўлган муҳокамалар, ранг-баранг нуқтаи назарлар, таҳлиллар. Плюрализм руҳида ўтган мулоқотлар. Уларда озодликка эришган мамлакатимиз учун миллий тикланиш уфқлари қанчалар кенг ва ижтимоий-сиёсий жиҳатдан жозибали эканлиги равшан кўзга ташланган эди.

Ҳа. «Миллий тикланиш» демократик партияси дунёга келганлигига учинчи июн куни роса етти йил тўлди. Етти йил ичида партия ўз биографиясини яратишга муваффақ бўлди.

Миллий тикланиш – тор доирадаги, бир қисм одамларгагина тегишли ғоя ёки тушунча эмас. У ёлғиз бир миллатнинг тикланиши, тоталитар зулм ва асоратлардан халос бўлиши, янги тарихий маррага чиқишинигина англатмайди.

Миллий тикланиш – бутун озод Ўзбекистонга, унда яшовчи, ўз тақдири ва толейини у билан чамбарчас боғлаган ва унинг тараққиётидан ўта манфаатдор барча халқлар вакиллари, элатларга тўғридан-тўғри бевосита дахлдор. Шунинг учун ҳам партиянинг номи мамлакат номидан бошланади. Бу миллий тикланиш деган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий ҳодисанинг қамрови кенг ва ниҳоятда мазмундор эканлигини кўрсатади.

«Миллий тикланиш» демократик партияси гарчи 1995 йил 3 июнда ташкил топган бўлса ҳам, лекин асил миллий тикланиш ҳаракати ва унинг тарихи Ўзбекистонда сал илгарирокдан, яъни Ўзбекистон ижтимоий сиёсий мустақилликка эришган палладан бошланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг илк нутқлари, сўзлари, мулоқотлари, учрашувлари, қарорлари, фармонларини бир эсланг. Улар том маънода миллий тикланиш руҳи ва мазмуни билан суғорилганлигини кўрамиз. Унинг шаклланиб келаётган ички ва ташқи сиёсатининг марказига Ўзбекистоннинг миллий тикланиши чиқди. Бораётган барча ислоҳотлар, ўзгаришларнинг мазмуни, моҳиятида миллий тикланиш ғояси росмона доя бўлди.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Ўзбекистонда бораётган мана шундай жараёнларнинг табиий ҳосиласи сифатида дунёга келди. У миллат зиёлилари бағридан чиқди, кўтарилиш, қад ростлаш, уйғониш, ўзини англаш, жаҳон тизимида қонуний ўринни эгаллашга интилишларни ифода эта бошлади.

Албатта ҳеч нарса текис бўлгани йўқ. Халқ бозор иқтисоди ислоҳотларига шўнғиган бир маҳалда, албатта, сиёсий ғоялар ва уларни жамият ҳаётига олиб кирувчи сиёсий партияларга эътибор ва қизиқишнинг маълум даражада сусайиши кузатилмай иложи йўқ. Кишиларда сиёсатга қизиқишнинг сусайиши, иқтисодий тикланиш масалаларининг биринчи планга чиқиши партиялар томир уришининг пасайиши билан бир пайтда рўй беради. Миллий заминда тикланиб келаётган партиялар то катта сиёсат тажрибасини орттиргунча, жамиятдан ўз муносиб ўрнини топгунча, аҳоли, сайловчилар ўртасида танилиб, обрў-эътибор қозонгунча ва яна энг муҳими, халқнинг барча қатламларига дахлдор ижтимоий салмоқдор ишларни муваффақият билан бажариш лаёқати, иқтидорига эга бўлгунча қийин йўлларни босиб ўтади. Етти йил ичида куртаклаган навдаларимиз шу бўлди-ки, сиёсий фаолият алифбосини ўзлаштириш, сайловларда иштирок этиш, сайловчилар орасида бўлиш, ўз фракцияси орқали парламент тажрибасини орттириш, ижтимоий ҳаёт ва ўсиш қонуниятларини англаш ва хулосалар чиқариш томон қадамлар қўйилди. Партия ҳақида сўзлаганда, у доимо одамларни етаклаши керак, деган тушунча юради. Етаклаш – тўғри ва қонуний. Акс ҳолда унинг партиялиги қоладими? Шу билан бирга ҳар қандай сиёсий партия одамларни етаклаш, ўз сиёсий ғояларини амалга ошириш ҳақ-ҳуқуқларини ҳаётнинг улуғ қозонида қайнаб қозонади. Курашлар мактабларини ўтибгина ҳақиқий сиёсий етакчига айланади. Курашларда қиёфаси шаклланади. Миллий тикланиш партиясининг қиёфаси шаклланган. У мангу оловдан куйлаб тирилиб парвозга отланган ҳумо қушига ўхшайди. Шу маънода партия парвона эмас. Чиғаноқ ҳам эмас. Чархпалак ҳам эмас. Парвона ўзини ўтга уриб куйиб кетади. Унинг ўзини ўтга уриб қурбон бўлишида маъно кам. Сув пастдан оққанда баланддаги ерлар сувсизликдан қовжираб этади. Одамлар паст оқаётган сувларни баландга олиб чиқиш учун насос бўлмаган замонларда ажойиб чархпалакларни ўйлаб топишган. Баъзан томоша боғларда декорация учун қурилган челаксиз чархпалаклар ҳам учрайди. Болалар унинг айланишини завқланиб томоша қилишади, бироқ у сув чиқармайди, ташна ерларни сероб қилмайди. Баъзан эски чархпалакларнинг кўп челаклари тешилиб ишдан чиқади. Катта чархпалак озгинагина сув тортади. Чархпалакнинг барча челаклари тенг сув тортсагина кўп ерларни ўзидан бахраманд этади. Сиёсий партия ишида шунга ўхшашлик бор. Партиянинг барча етакчилари, аъзолари, тарафдорлари ва қолаверса, бутун жамият мамлакатни ўз меҳнати, фаолияти қирралари билан бахрадор қилишни истаса, тенг, баробар, фидокорона иш-ҳаракатда бўлиши зарур. Партия жамоатчиликнинг ғайрати қай даражада эканлигини акс эттиради. Ранг-баранг сиёсий партияларсиз ва уларнинг ранг-баранг ҳаракатларисиз жамият қиёфасиз, суст ва турғун бир ҳолатга келади. Тараққиётга, демократияга интиладиган мамлакат албатта бунга йўл қўймайди.

Сиёсий партия демократик йўналишдаги ҳокимиятни шакллантиришда қанчалар ҳиссасини қўша олади? Бизга ана шунга қараб баҳо берадилар.

Яқинда бир анжуманда «Ўзбекистонда сиёсий партиялар ўзлари тузилганидан бери қандай ижтимоий-сиёсий ишларни амалга оширишди?» – деган савол қўйилди. Албатта сиёсий партиялар жаҳон тажрибаларида синовдан ўтган мустаҳкам механизмлар ва синалган дастакларсиз кутилган ижтимоий-сиёсий масалаларни ҳал қилишга ожиз.

Икки палатали парламент тизимига ўтиш жамиятимиз ҳаётида сиёсий партияларнинг мавқейини кўтаради. Уларнинг олдига жуда катта вазифаларни ҳал қилиш, улкан масъулият билан ҳаракат қилиш мажбуриятини қўяди. Янги тизим, янги шароит албатта сиёсий партия ҳаётининг жамиятга кучли суратда таъсир кўрсатиш механизмларини қонуний тарзда ишлаб чиқишни талаб қилади. Ҳозир жамиятимиз шундай равнақ механизмларини яратиш, амалиётга киритиш устида бош қотираётганлиги катта ижобий натижалар бериши шубҳасиз. Кучли демократик жамиятни кучли ва ранг-баранг демократик йўналишдаги сиёсий партияларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Партиялар сиёсий-ижтимоий манфаатларни энг муваффақиятли тарзда ҳал қилишга қодир ва лаёқати жамоат қурилмаларидир. Жамият уларга қанчалар кўп эътибор қаратса, улардан шунчалар кўп ва хўб манфаат кўради. Инсоният тараққиётга эришишнинг ҳали шундан бошқача йўлини излаб топган эмас.

Иброҳим ҒАФУРОВ

Элликқалъа туманида 28 нафар 100 ёшдан ошганлар яшайди. Сарибий қишлоғилик Айитжон момо Султонова 106 ёшда. У гулларни севади.

Фикрлашув

КОНТРАКТ ПУЛИНИ КАМАЙТИРИШ МУМКИНМИ?

Ҳурматли таҳририят! Мен ойнаи жаҳон дастурларини мунтазам кузатиб бораман. Бир кўрсатув боис кўпдан бери мени ўйлантириб келаётган талабаларни шартнома асосида ўқитишга доир мулоҳазаларимни билдириш истаги пайдо бўлди.

Ойнаи жаҳонда мухлисларнинг севимли кўрсатуви «Келин-куёв» шоусининг май ойи сони намойиш қилинаётган эди. Бошловчи муаллиф ушбу кўрсатувга Наманган вилоятидаги иккита олий ўқув даргоҳи ва битта лицей жамоаси номидан юборилган мактубни ўқиб эшиттирди. Унда «Келин-куёв» кўрсатуви шу вилоятдан ҳам тайёрланиши таклиф қилинган, унинг ҳомийлигини эса мазкур ўқув даргоҳлари биргаликда ўз зиммаларига олажаги айтилган эди. Бошловчи муаллиф бу таклифни бажонидил қабул қилишларини, мактуб эгалари «Келин-куёв» шоусининг навбатдаги сонлари учун бўладиган ҳомийлар танловида иштирок этишини билдирди.

Шоу қатнашчилари ҳам буни хурсандчилик билан кутиб олдилар. Мени эса шу ўринда бошқа бир мулоҳазалар ўйга толдирди.

Бугунги кунда олий ўқув даргоҳларининг молиявий базаси давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳамда контракт тўловлари асосида шаклланиб, уларнинг баъзиларида қўшимча даромад манбалари ўқув базасини кенгайтиришга хизмат қилиши кўпчиликка маълум. Уларнинг айримлари ҳатто ўз ички имкониятларидан келиб чиқиб, ўз талабаларига қисман бўлса-да кўмак беришмоқда. Тўғри, ўзида топилган маблағ билан университет ёки институтнинг контрактчилар тўловини қоплаш имкониятига эга бўлиши мушкул. Лекин, юқорида тилга олинган ҳомийлик ташаббуси (ҳатто ҳомийлар танловида иштирок эта билишлари) ва шу каби бошқа **унча муҳим бўлмаган турли керакли-керексиз тадбирларга олийгоҳ томонидан** тез-тез маблағ ажратилиб туришини гоҳ кузатиб, университет учун шулар жудаям зарурмикин, деб ўйлайди киши. Ўзимча фикр қилиб, бундан контракт пулини қисман камайтиришнинг реал имкониятлари таълим масканларининг ўзида мавжудмасмикин деган мулоҳазага бораман. Бу ўқув даргоҳларининг ажойиб бир кўрсатувга ҳомийлик қилишни режалаштиргани бир қарашда мухлисларни қувонтиради, албатта. Бошқа таълим масканлари бундан ўрнак олиши ҳам мумкиндир балки. Бироқ, шартнома асосида ўқиётган талабаларнинг ҳар томонлама шарт-шароитлари, тўловни қандай қийинчиликлар, кўпинча моддий етишмовчиликлар билан амалга ошираётгани ўқув даргоҳида қанча ортиқча маблағ бўлса, уни энг аввало талабаларнинг энг муҳим эҳтиёжлари, манфаатлари юзасидан сарфланишини тақозо қилади. Бундай оқилона харажат туфайли шартномада белгиланган пул миқдорини бироз бўлсада камайтиришга эришиш мумкин. Бу эса «ўқийман» деган боласига кўзи қиймай балки сўнгги пулларинимни ёки кексалик нафақасини университетга тўлаётган ота-оналарга ҳарна кўмак бўлур эди.

Барчага севимли шоуларга менимча давлат бюджети ёки контрактчилар тўлови маблағларига зарурати бўлмаган бошқа корхоналар ҳомийлик қиладилар, бундай корхоналар кўплаб топилади, назаримда. Табиийки, ёшларимиз ушбу кўрсатувни олий ўқув юрти ҳомийлигисиз бемалол томоша қилиб, тарбиявий жиҳатлари бўлса ўрганаверадилар. Олий таълим масканларининг ички ҳаётида иккинчи даражали ишларга маблағ ажратишда контрактчи талабалар шароити ҳисобга олинса дейман.

Менинг ушбу мулоҳазаларимни газетада эълон қилиб, зиёли газетхонларнинг фикрини сўрашларингизни илтимос қилган бўлур эдим.

Ҳурмат билан
Муқаддас ИСМОИЛОВА

Таҳририятдан: Мухлисимиз йўллаган мактуб мазмуни чиндан ҳам кишини мушоҳадага ундайди. Мактубдан бозор иқтисодиёти аввало ички имкониятларни тўғри ишга солишни назарда тутар экан, бунда номуҳимдан муҳимларини ажратиш энг муҳимидир деган фикрни тушуниш мумкин. Ушбу мактуб юзасидан Наманган вилоятидаги кўрсатувга ҳомийлик қилиш истагини билдирган ўқув даргоҳлари мутасаддиларининг ҳамда барча муштарийларимизнинг фикр-мулоҳазаларини кутамиз.

Ва тадбирли, мушоҳадали, ишбилармон юртдошларимизга, зиёлиларга, мухлисимиз айтмоқчи, «контракт пулини камайтириш мумкинми?» деган савол билан мурожаат этиб қоламиз.

Бу сонда:

2-бет – Германия таассуротлари Етти ўйлаб...

3-бет – Америкада биринчи ўзбек тили дарслиги Соҳибқирон ўқиган китоб

4-бет – Чўпий домланинг «олди-қочди» гурунглари Ажабтовур гаплар

ЖАҲОЛАТ ҲАМ ГИРДОБ

Бозор муносабатларига ўтиш, тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш табиий ва муқаррар равишда жамиятни ва унинг туб асоси бўлган оилавий муносабатларни демократиялашни, мустақил фикрлайдиган, ташаббускор ва жасур инсон шахсини камол топтиришни, бунинг учун эса аввало аёлнинг оиладаги аҳволи, унга бўлган муносабатни тубдан ўзгартиришни тақозо эта бошлади. Айниқса, таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш хотин-қизлар маънавиятини юксалтиришни, ўзбек аёлини ўртаасрчиликнинг чиркин маросим ва урф-одатларидан озод қилишни, унинг рўзғор юмушларини енгиллаштириш, соғлиги, нормал дам олиши ҳақида қайғуришимиз билан белгиланиб турибди. Бошқача қилиб айтганда, ўзбек аёлининг оилавий муносабатларда эркак билан тенгҳуқуқлилиги масаласини кун тартибига қўйиш ва уни оқилона ҳал этиш ҳаётий заруратга айланди.

Мазкур муаммонинг бутун мураккаблиги шундаки, ҳатто олий маълумотли ўзбек муаллимлари ҳам кўп асрлар давомида шаклланган аёлнинг эркак олдидаги, қайнана ва қайнота олдидаги эрксизлиги, мутелигига гўё одатий ва табиий ҳол деб қарайди. Сўнгги йилларда маросим ва урф-одатларнинг ҳаддан ташқари кучайиши оқибатида аёл зиммасидаги юмушлар янада кўпайди.

Аёлнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётга лоқайдлиги ҳам маълум даражада оилавий муносабатлардаги юмушлар юкининг ортганлиги билан изоҳланади.

Қизиқ ва аянчли ҳолат – маросимлар қулига, эр ва болаларнинг хизматкорига айланган, ижтимоий-сиёсий ҳаётдан четлашган, қўлига китоб олиш, ўз билим ва малакасини ошириш имкониятига эга бўлмаётган ўзбек аёли ҳаёт гирдобида ўзини бахтли қилиб кўрсатмоқчи бўлади. Ҳолбуки, бугунги кунда бутун жамиятимизда, ҳар бир ўзбек оиласида тўпланиб қолган ва ечимини кутаётган барча муаммолар ўзбек аёлининг аҳволи билан бевосита боғлиқдир.

Аёл оила юмушлари, маросим ва урф-одатлар издиҳомидан озод бўлиб, ўз маънавий салоҳиятини юксалтириш, илм-фан ютуқларидан баҳраманд бўлиш имконига эга бўлсагина ва энг муҳими, рўзғор юмушларининг бир қисмини эркак зиммасига олсагина, аёл эркак билан ҳаётда, оилавий муносабатларда ҳам ўзини тенг ҳуқуқли ва эркин ҳис этсагина у ижтимоий-сиёсий ишларда фаол иштирок этиб, ўз гражданлик бурчини аъло даражада бажара олади.

Инсонни аёл жинсига мансуб бўлгани учун камситиш, таҳқирлаш ва айни вақтда эркакнинг ўзи учун алоҳида имтиёз талаб этиши, жуда юмшоқ қилиб айтганда, эўравонликдир, бу иймондан эмас. Ўз иймонига эга бўлмаган одамларда ҳеч инсоф ва диёнат, меҳр ва шафқат бўлмайди. Зеро, инсоннинг ёруғ дунёга қандай жинс вакили бўлиб туғилиши унинг хоҳиш-истагига боғлиқ эмас, балки бу – Оллоҳнинг хоҳиш-иродасидир. Худди бошқа миллат вакилини камситиш ва таҳқирлаш ахлоқ ва адолатга қанчалар зид бўлса, бошқа жинс вакилини камситиш ва унинг инсоний ҳуқуқларини поймол этиш ҳам шунчалар адолатсизликдир.

Жуда кўп диний манбаларда Оллоҳнинг эркак ва аёлни тенг қилиб яратганлиги, Ҳадиси шарифларда аёлни эъзозлаш зарурлиги алоҳида таъкидланади. Ўзбек оиласидаги аёлнинг пассивлиги, эркак олдидаги ўзини ожиз тутиши демократик қонунчиликка, диний таълимотлар ва эътиқодга бутунлай зиддир.

Мамлакатимиз халқ хўжалигининг деярли барча соҳаларида, айниқса, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият муассасаларида хотин-қизлар салмоқли ўрин эгаллаб мактаб ўқитувчиларининг асосий фоизини ўзбек хотин-қизлари ташкил этиб турган ҳозирги шароитда хотин-қизлар озодлиги, улар маънавиятини юксалтириш муаммоси энг долзарб ижтимоий-сиёсий масалага айланди.

Ўзбек аёлининг оилавий муносабатлардаги адолатсизликка, эрксизликка қарши норозилиги турли шаклларда намоён бўляпти: ёлғиз яшашни афзал кўраётган аёллар сонининг ортиб бораётганлиги, ўз жонига суиқасд қилиш ва ҳоказолар унинг аянчли кўринишларидир. Тараққий этган мамлакатларда хотин-қизлар ҳуқуқининг поймол этилишига йўл қўйилмаслигининг ҳуқуқий кафолатланиши бежиз эмас, албатта.

Ижтимоий ҳаётда бир синфнинг бошқа синф устидан ҳукмронлик қилиши демократик қонунчилик ва ижтимоий адолат принципларига зид бўлгани сингари оилавий муносабатларда аёлнинг келин ёки хотин бўлганлиги учун қайнона ва эркак томонидан камситилиши ҳам шунчалар ғайриинсоний ва соғлом ақлга зиддир. Жаҳолат, илмсизлик салтанат қурган оилада эркакнинг хотин устидангина эмас, балки қайнонанинг келин устидан ҳукмронлик қилишга интилиши аёлда қасоскорлик, аламзадалик ҳиссини кучайтиради. 19-20 йил давомида қайнонага «чурқ» этмай итоаткорлик билан хизмат қилган, бироқ қадр топмаган аёл тезроқ келин олишни ва келинни чўридек ишлатиш эвазига роҳат-фароғат кўришни орзу қилади, бу ният ва шафқатсизлик орзуга айланади! «Дедовшчина» кўринишлари ўзбек оиласига ҳам кириб келганлиги ўта ачинарли. Оилавий муносабатлардаги соф самимий ва инсоний муносабатлар ўрнини ички ва пинҳона нафрат, бир-бирини кўролмаслик ҳисси эгаллайди. Қайнана зулмидан, адолатсизлигидан қон қақшаган она болаларнинг кўз ўнгида иккиюзламачилик қилади, қайнана ва эр йўқлигида улардан нолийди, уларнинг олдида эса сохта хушомадгўйлик қилади. Зийрак боланинг мурғак қалби оилавий муносабатлардаги иккиюзламачилик, қалбакиликлардан қийналади, нима учун шундайлигини тушуна олмайди ва ниҳоят бир ҳақиқатни фаҳмлайди – оилавий муносабатларда онага нисбатан қилинаётган ноҳақликларни юзига айтиб бўлмайди, иккиюзламачилик, кўр-кўрона муросасозлик яшаб қолишнинг ягона усулидир!

Онанинг оилавий муносабатлардаги бундай аҳволи табиий ва муқаррар равишда бола ҳулқида ва характерида иккиюзламачилик, итоаткорликни шакллантиради. 7–8 йил оилада шундай руҳда тарбияланган болада мустақил фикрлаш қобилияти сўниб боради, бунинг ўрнини ижрочилик, боқимандалик, фикрламаслик эгаллайди. Ношуд, нотавон, қўрқоқ ва мустақил фикрлаш қобилиятига эга бўлмаган авлодни тарбиялашда давом этаётган айрим оилалар бозор муносабатларига ўтиш шароитида ғоят мушкул муаммоларга дуч келади: уларда фарзандлар касб эгаллаш, илм ўрганиш, ўз тақдирини ўзи яратиш ҳақида ўйламайди.

Демократик жамият фақат илм-фан орқали тараққий этади, илм-фан ривожи эса шахс эркинлиги, тафаккур озодлигини талаб этади. Ғўдаклигиданоқ нобоп муҳитда тарбияланган бола ўз фикрини дадил айтолмайди, чунки у аллақачон мустақил фикрлаш лаёқатидан, эркинликни ҳис этиш қобилиятидан маҳрум этилгандир. Мустақил фикрлашни билмайдиган ўсмирда эса масъулият ҳиси ҳам етишмайди, у кимнидир орқасидан эргашишга, кимнингдир унга йўл кўрсатишига муҳтож бўлади. Чунки мустақил фикрлайдиган кишиларгина ўз-ўзини бошқариш лаёқатига эга бўладилар.

Болани тўғри йўлга солмоқ учун унга аввало тўғри фикрлашни, ўз ҳуқуқи ва қадр-қимматини ҳимоя қилишни ўргатиш лозим. Болани тўғри фикрлашга, мустақилликка ўргатишда эркин ва маънавияти юксак Онанинг ўрни катта.

Қодиркул РЎЗМАТЗОДА,
файласуф

Азиз муштарий!

Мухлислар қизиқиши, ихлос, муқаббати «Миллий тикланиш» учун сув-ҳаводек зарур!

Ҳозирда мухлис мадади бўлмаса, газетанинг мунтазам чиқиши амри маҳол. Шундай қилиб...

Газетамизга кейинги ойлар учун обуна давом этмоқда!

Сиз исталган почта, алоқа бўлимига мурожаат қилиб «МТ»га обуна бўлишингиз мумкин.

Нашр кўрсаткичимиз: 158.

ФАРОВОНЛИК АҚЛДАН ҲОСИЛ БЎЛАДИ

Демократик ўлка сафари таассуротлари

XXI асрга бунёдкорлик ва инсонпарварлик эзгу ниятлари билан кириб келган Ўзбекистон Республикаси йил бошиданоқ муҳим воқеаларга қадам қўйди, мамлакатимизда икки палатали парламент тузиш ва Республика Президенти ваколат муддатини ўзгартириш бўйича умумхалқ референдуми ўтказилди. Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётини либераллаштириш ва демократлаштириш борасида собитқадам эканлигини АҚШ, Германия, Франция, Буюк Британия, Япониядек ривожланган мамлакатлардаги каби республикамизда ҳам икки палатали парламентни тузиш вақти етганлигини кўрсатди. Чунки янги профессионал парламентга ўтиш учун дастлабки сиёсий ва бошқа шарт-шароитлар яратилган эди. Ана шу жараёнларнинг самарали амалга ошишида 1994 йилдан буён Ўзбекистонда демократия асосларининг шаклланишига, сиёсий таълим тизимининг ривожланишига, сиёсий партияларнинг фаоллигини оширишга, аҳоли сиёсий билим ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга кўмаклашаётган Конрад Аденауэр фондининг беғараз хизмати бор. Фонд томонидан Ўзбекистон сиёсий партиялари вакиллари учун уюштирилган ушбу сафар давомида Германия давлат арбоблари, олимлари ва сиёсий партиялари раҳбарлари билан қизиқарли учрашув-мунозараларда иштирок этиши, немис парламентаризми тизимининг иши, сиёсий партиялар фаолияти ва Германия ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид ҳар томонлама фойдали назарий ва амалий маълумотлар олиши кўзда тутилган.

Шундай қилиб, биз ўтмишда жуда кўплаб тарихий воқеалар майдони бўлган Германия тупроғига қадам босдик. «Минекс» фирмасининг энг замонавий тезюрар автобуси бизни Берлин шаҳри сари шамолдай елдириб олиб кетди. «Франкфурт-Берлин» автомагистралининг кенг ва текислиги, аҳёнаҳёнда учраган йўл-таъмир ишлари ҳаракатдаги автомобиллар тезлигига таъсир этмайдиган даражада мукаммал ташкил этилганлиги, ҳаракат хавфсизлиги маълум масофаларга ўрнатилган компютерлар орқали назорат қилиниши, ҳайдовчилар ва йўловчилар учун ҳар икки километр масофада йўл четига телефон алоқаси ўрнатиб қўйилганлиги, барча қулайликларга эга махсус дам олиш масканлари – «автобан»ларнинг мунтазам ишлаб туриши, йўл кўрсаткичларининг аниқ ва тўлиқ маълумотлар бера олиши – буларнинг барчаси халқи аниқлик ва маданиятни хуш кўрадиган мамлакатга келганимизни таъкидлаб турарди.

Берлин шаҳри марказида «Президент» меҳмонхонасига жойлашдик. Эртасига Конрад Аденауэр номидаги Академияда Фонднинг Бош секретари Вилгелм Штаудахер билан учрашдик. Бош секретар Фонднинг дунё миқёсида олиб бораётган ишлари ва истиқболга қаратилган режалари тўғрисида сўзлаб берди.

Ташриф давомида Германия давлати арбоблари, олимлари, сиёсий партиялар етакчилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари биз билан учрашув-мунозаралар ўтказишди ва эътиборимизга икки палатали парламент ҳаёти ҳамда сиёсий партиялар фаолиятига оид қизиқарли, долзарб мавзуларга бағишланган маърузалар ҳавола этишди. Бранденбург Ери Ички ишлар вазири жаноб Йорг Шёнбом билан учрашув мулоқот, Бундестаг Маъмуриятининг партияларни молиялаштириш бўйича Референтураси ходими доктор Штефан Зиннернинг «Партияларни молиялаштиришнинг ҳуқуқий асослари», доктор Хорст Риссенинг «Федерал Кенгаш (Бундесрат)нинг вазифалари», «Паблисис» реклама агентлигининг консултанти жаноб Андрэ Шахонинг «Сайлов кампаниясини ташкил этиш ва бошқариш тажрибаси», профессор Гюнтер Ринщенинг «Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш истиқболлари», Бундестаг депутати Ханс-Петер Репникнинг илмий ходими доктор Ханс Хофманнинг «Партиялар ва фракциялар ўртасидаги муносабатлар ҳақида», ХДС партияси Канцелярияси ходими Кристоф Бендернинг «ХДС партияси мисолида партия Федерал Канцелярияси таркиби ва иш тақсимоти» каби мавзуларга бағишланган маърузалари тингланди.

Нотиқларнинг ўз соҳаларида билимдон ва тажрибали мутахассис эканликлари, шуғулланаётган ишларига иштиёқ ва ҳурмат билан қарашлари бизга берган ахборотлари мазмунидан сезилиб турарди.

Германияда тозалик, покизаликка эътибор катта. Масалан, Франкфурт, Потсдам, Берлин шаҳар кўчаларида чанг-ғубор йўқ – ахлат уюмлари тугул ҳатто бирорта сигарет қолдиғи учрамайди. Одамлар кераксиз қоғоз, полиэтилен пакет ёки мева пўчоғини ташламоқчи бўлсалар, албатта ўша турдаги ахлат ташланадиган ёзувли қутигагина ташлайдилар. Кўчалардаги дарахтлар парваришига бўлган эътибор ҳам ҳавас қилгудек, дарахтлар танаси, шохлари ва барглари худди атайлаб артилгандек ялтирайди, ҳар бир дарахт ҳисобга олиниб, қайд рақами медалон каби қадаб қўйилган. Бирорта жойда жўмраклардан бекор исроф бўлиб оқаётган сув учрамайди. Ҳамма экология мусаффолигига амал қилади.

Душанбадан шанбагача кўчада бекорчи одам кўринмайди (ишсизлик муаммоси мавжуд бўлса ҳам). Германия парламенти ва халқи ўртасидаги муносабатлар ошкораликка асосланган бўлиб, биз буни ҳар иккала палата – Бундестаг ва Бундесратда амалда кўриш имконига эга бўлдик. Аввалига биз бу Олий органлар эшиги олдида тўпланган тумонот одамларни кўриб ажабландик. Бироқ ички ишлар – депутатлар йиғилиш ўтказаётган залга кирганимизда масала ойдинлашди: бу ерда шундай демократик муҳит яратилганки, аҳолининг барча қатлами, касби-коридан қатъий назар, тартиб ва интизом билан мажлис залига кириб депутатларнинг баҳс-мунозараларини, қарор ёки бошқа ҳужжатлар ишлаб чиқишларини, хуллас, уларнинг фаолиятини кузата олишга ҳақли экан. Шу куни йиғилиш залида биз кўплаб мактаб ўқувчилари, талабаларни, кекса кишиларни кўрдик, улар парламент ишини кузатиб ўтиришар эди. Маъмурият ходими бизга аҳоли вакиллари парламент ишига аралаша олмасликлари, лекин бирор масалада ёзма сўров билан мурожаат этиб, йиғилиш сўнггида жавоб олишга ҳақли эканликларини билдирди. Шунингдек, улар йиғилишдан хоҳлаган пайтларида чиқиб кетишлари мумкин экан. Ходимнинг айтишича, бу тартибот парламент фаолияти ошкоралигини таъминлаш билан бирга ўқувчи-ёшларни муносиб ўринбосарлар қилиб тарбиялашга хизмат қилар экан.

Демократик муҳит тўғрисида гапирганда, Германия халқи ва унинг Парламенти учун бу тамойил эҳтиёжга, аниқроқ айтганда, турмуш тарзига айланган.

Бундестаг томонидан қабул қилинган қонун ёки қарор Парламентнинг Федерал органи – Бундесратга маъқул бўлмаса, у ҳолда Бундесрат ўз депутатларининг учдан икки қисми уларни рад этгани ҳолда Бундестаг эътиборига ўз вариантини ҳавола қилади. Бундестаг бундай қарорга қарши чиқса, у ҳам ўз навбатида депутатларнинг учдан икки қисми овозига асосланибгина ўз ҳужжатларини қабул қилиши ва қайта муҳокама эттирмасдан халққа эълон қилиши мумкин. Бироқ Конституцияга ўзгаришлар, солиқ ҳақидаги ва Федерал Ерлар тақдири билан боғлиқ махсус қонун ва қарорлар фақат Бундесратнинг розилиги ва тасдиғидан сўнггина қабул қилинади.

Германияда оммавий ахборот воситалари, реклама агентликлари жамиятда жуда катта мавқеи, нуфузга эга. Биргина Берлин шаҳрининг ўзида турли ҳажм ва шаклда кўплаб газета-журналлар чоп этилади. Улар махсус сотиладиган дўкончалардан ташқари, аэропорт, вокзал, бекатлар, бошқа жамоат жойларида алоҳида қутиларга солиб қўйилиб, одамларнинг ўқий олиши учун қулайликлар яратилган. Ўттиздан ортиқ телеканаллар орқали ҳар куни мунтазам равишда кўрсатувлар намойиш этиб борилади, ҳатто инглиз ва рус тилларида кўрсатув берадиган каналлар ҳам мавжуд. Германияда «тўртинчи ҳокимият» ташкилотлари ўртасида реклама агентликларининг мавқеи анча кучли эканлигини улар амалга ошираётган ишлар кўлами ва самарасидан сездик. Ўзаро манфаатли шериклик асосида улар сиёсий партиялар билан ҳам яхшигина ҳамкорлик қилар эканлар.

Биз энг йирик «Паблисис» реклама агентлиги фаолияти билан танишганимизда, минглаб ходимлар ишлаётган идоранинг муҳташамлигини, замонавий техник жиҳозлар билан таъминланганини, энг муҳими, барча ишлар журналистлар ҳуқуқини муҳофаза қилувчи қонуний меъёр ва мезонлар асосида олиб борилаётганини кузатдик. Партияларнинг сайлов олди марафони даврида эса ОАВ ва реклама агентликларининг хизмати янада фаоллашади.

Мамлакатда сиёсий муҳит яратиш учун курашадиган ўн саккизта партия мавжуд бўлиб, улардан уч-тўрттаси ўз аъзолари ва тарафдорлари миқдори, жамиятдаги нуфузи жиҳатидан ажралиб туради ҳамда парламент таркибини ташкил этади. Германия сиёсий партияларининг парламентни шакллантиришдаги хизмати, жамиятни бошқаришдаги мавқеи ва партия фракцияларининг парламентдаги фаолияти тўғрисида гапирганда, албатта уларнинг қонуний ҳуқуқлари, ваколатлари ҳамда бурчлари масалаларига тўхталиб ўтиш жоиз. Германия Конституциясининг 21-моддасига кўра партиялар аҳоли сиёсий иродасини шакллантиришга жавобгар эканлигининг ўзи уларнинг жамиятдаги роли даражасини кўрсатиб турибди.

Сиёсий партияларнинг турли йўналишларда фаолият олиб боришлари ва шунга яраша сарф-харажатларнинг мавжудлиги партияларнинг маблағ билан таъминланиш муаммосини келтириб чиқаради. Шуниси эътиборлики, Германияда партияларни давлат томонидан молиялаштириш амалиёти 1959 йилдан буён қўлланиб келинади. Агар ўша кезларда атиги учта мамлакатда бу масала қонунлаштирилган бўлса, 80-йилларга келиб бундай мамлакатлар сони 21 тага етди. 90- йиллар охирида эса жаҳондаги қарийб 100 та мамлакат партияларни молиялаштиришнинг қонуний асосларини яратди. Германия давлати партияларнинг жорий фаолиятини молиялаштириш билан бирга, шунингдек, парламентдаги фракцияларни ҳам, депутатларни ҳам талаб қилинган маблағ билан таъминлайди. 1999 йил 17 февралдан бошлаб Германиянинг «Партиялар ҳақидаги Қонуни»га кўра фақат партияларни молиялаштириш миқдори 245 миллион маркагача қилиб белгиланган.

Яна шуниси диққатга сазоворки, парламент фаолиятини ҳаракатлантирувчи механизми ва сиёсий кучларнинг маркази ҳисобланган партия фракциялари ўзларига юклатилган вазифаларни бажариш учун бюджет ҳисобидан қўшимча мутахассислар, олимлар ва техник ходимлар ёллашлари мумкин. Умуман олганда, Германияда сиёсий партияларнинг жамиятда етакчи куч сифатида фаолият кўрсатиши учун маънавий ва маданий-сиёсий шароитлар, яъни партияларнинг омма ўртасида иш олиб бориш, парламентни шакллантириш ва мамлакатни бошқариш тажрибасига эга эканлиги ҳамда аҳоли сиёсий онглилиқ даражасининг юқорилиги, унинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаоллиги бир томондан имконият яратса, иккинчи томондан молиявий таъминланиш манбалари, яъни партияларнинг хусусий маблағлари (аъзолик бадаллари, тадбиркорлик тушумлари), юридик ва жисмоний шахслар томонидан (хорижликлар ҳам бунга киради) қилинган хайрия маблағлари ва давлат томонидан ажратилган маълум миқдордаги маблағлар ҳисобига молиялаштирилиши амалда бу имкониятларни яна-да кенгайтираётганини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ютуқларга бой, бунёдкорлик тажрибасига эга Германия билан, унинг меҳнатсевар халқи билан ҳамкорлик қилиш келгусида яхши самара беради. Ҳар иккала давлат ўртасидаги дўстона муносабатлар ўзаро иқтисодий-маданий ривожланишга хизмат қилишини барчамиз қалбан ҳис этдик. Шу билан бирга, навқирон юртимизда демократик тамойилларга асосланган жамият қуриш учун фидойилик билан астойдил меҳнат қилишимиз зарурлигини, барча партиялар, шу жумладан, бизнинг Миллий тикланиш демократик партиямиз фаолиятини ҳам тубдан ўзгартирмоқ вақти етганлигини, уларни чин маънода жамиятнинг етакчи сиёсий кучига айлантириш шартлигини ҳам чуқур англадик.

Бахтиёржон МЎМИНОВ,
Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Фарғона вилоят Кенгаши раиси.

«АРС – Пласт» Ўзбекистон – Германия қўшма корхонаси ишга тушганига ҳали бир йил тўлганича йўқ. Ушбу корхонада республиканинг турли бурчакларидан газ ва сув қувурларига буюртмалар қабул қилиниб, нисбатан арзон, жуда сифатли ва чидамли полиэтилен қувурлари тайёрланмоқда. Маҳсулотнинг катта қисми экспортга чиқарилаётгани корхона иқтисодиётини янада мустаҳкамланишига асос бўлаётир.

Суратда: Тажрибали оператор-машинист Фозил Файбуллаев.

Саҳифалардаги суратларни Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган.

Йўл озиғи ҳоритмас

ИЛМНИНГ ОҚ ЁҒДУЛАРИ



Мен бундай инсонлар қалбини негадир оппоқ атиргулларга қиёслагим келади. Катта чаманда, минг бир хил гуллар орасидаги оппоқ атиргулга.

Чунки оқлик – поклик, тиниқлик, софлик белгиси. Боз устига атиргулдан болалилар бол йиғадилар. Болнинг шифобахшлигини таърифлаб ўтиришга эса ҳожат йўқ. Ҳикоямиз қаҳрамони гўзал қалбли, покиза эътиқодли инсон – медицина илмининг долзарб масалаларига қўл уриб келган Ҳотам Нишоновни бугунги кунда тиббиётчилар орасида билмайдиган одам топилмаса керак. Ҳотам ака фанга, илмга, энг муҳими юртига ўзини тамомила бахшида этган киши. Эзгу тилак, толмас юрак билан изланиб, заҳмат чекиб ҳақиқий илмнинг мураккаб йўлларидан бориб ёруғ ниятларига етмакни у кишининг ҳаётидан ўргансак арзийди.

Ҳотам ака Нишонов Жиззахнинг «Кўтарма» қишлоғидан. Оддий меҳнаткаш, тоза қалбли инсонларнинг фарзанди. Ўн етти ёшида Самарқанд медицина институтининг толиби бўлди. Шифокор бўлиш орзу-умиди бошлаб келганди уни бу ерга...

Илм ҳали кашф этилмаган сеҳрли дарёга ўхшайди. Қаърига кириб борган сари яна ўзига чорлайверади. Бу йўлда не машаққатлар, не мураккаб сўқмоқлар кутаётганини ана шу йўлга отланганларгина билади. Ўзини фанга бахшида этган бу фидойи инсон вақти келиб номзодлик диссертациясини ёқлади. Бир зум бўлса ҳам изланиш, меҳнат қилишдан толмади.

Ёш олимни асосан жигар, ўт йўллари, ошқозоности бези, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак касалликларининг диагностикаси қизиқтириб қолганди. Ана шу йўналишда йирик кашфиётга қўл урди. Москвалик олим Вадим Сергеевич Памелов ўзбек йигитининг бу кашфиётига тан берди. Бу кашфиёт келажак авлод ва инсонларни соғломлаштириш, улардаги турли касалликларнинг олдини олиш имкониятларини очди.

Ҳотам ака Нишоновнинг ҳаёт йўли илм ҳикматидан ёришган. У 40 ёшида фан доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош жарроҳи ва Россия эндохирурглар ассоциацияси аъзоси бўлди. Айни пайтда эса Давлат шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Сирдарё вилояти филиали директори. Ҳ. Нишонов раҳбарлигида бир неча номзодлик ишлари ёқланди, у юздан ортиқ илмий мақола, методик қўлланмалар, авторлик ихтиролари, 8 та рационализаторлик таклифлари муаллифи.

Ҳотам ака Нишонов ажойиб устоз ҳам. Ёш шифокорларга медицина илмининг асосларидан бири бўлган жарроҳлик бўйича кўп йиллар сабоқ бериб қилиб келган бу мураббийнинг чор-атрофида шогирдлари бисёр.

Шогирдлар ўзлари тушган карвоннинг бошидаги сарбонлари ҳаётига ҳар жиҳатдан ҳавас қилсалар арзийди. Бу устоз-шогирдлар бутун жамоаси билан тиббиётга жони фидолардан десак муболаға бўлмас. Олимнинг ёш шогирдлари Ғуломжон Саидбеков, Улуғбек Назаров, Ашур Лоровлар табобат фани йўлида илғор кашфиётларга қўл ураётган ва ҳар иш ниҳоясида улкан муваффақиятларга эришаётган жонкуярлардир.

Ҳотам аканинг ажойиб, ибратли оиласи бор. Бутун умр муаллимлик қилиб, оилага меҳр нурини сочиб келаётган рафиқаси Ўғилой аянинг меҳр тафти, фарзандларининг қувончи Ҳотам акага тиргак.

Устоз учун ҳар бир лаҳза ҳисобда. Умрининг бирор бир дақиқасини беҳудага сарф этмаслик забардаст олимнинг шиорига айланган. Ахир шундоқ ҳам инсон умри бир оқар дарё мисоли-ку. Бироқ шундай умри дарёлар борки, бу дарё ўтган жойда ҳаёт яшнайди, гуллар барқ уради, чечаклар қулади. Шундай умри дарёлар борки, селдек борини ҳам ювиб кетади. Ҳотам ака Нишоновнинг умрини эса биринчисига ўхшатгимиз келади. Бу баҳордан баҳраманд бўлган нафақат гулу чечаклар, балки улкан чинорлар ҳаёт қўшиғини куйламоқдалар. Шовуллаган боғлар ҳам бор бу баҳр ўтган йўлларда.

Ҳикоямиз аввалида заҳматкаш олимимизнинг илмдай ғуборсиз қалбини оқ атиргулга менгзаганимиз бежиз эмас. Эл меҳрини ўзида жамлаган бу атиргул қўклади, барг ёзди, ғунчаладi, гул-гул очилиб атри билан борлиқни муаттар айлади. Атрофидаги сон-саноқсиз ғунчаларни айтмайсизми? Бу ғунчалар устознинг шогирдлари бўлиб жонланади кўз ўнгимизда. Ҳали барг ёзмаган куртаклар гул очмаган ғунчалар қанча. Фанда ўз тадқиқотини кутиб ётган кашфиётга ўхшайди улар. Уларнинг ҳам ҳали бир куни оппоқ бўлиб яшнаб очилмоғи бор. Йиллар олдида эса яна баҳор. Баҳор ҳар йили келади. Эллигинчи баҳорни қаршилаётган устозга яна келар кўп баҳорлар сийласин Сизни, деймиз.

Маматқул БОЗОРБОЕВ

СИЗГА АЙТСАМ...

Бирор мансабдор қабулига кирсам, столида қандай газета турганига қарайман.

Мухлис луқмаси

Одам – энг шарафли зот. У бошқа барча мавжудотлардан кўп жиҳатдан тубдан фарқланади.

Одамда онг бор, фикрлайди, тафаккур қилади, яхши-ёмонни ажрата билади.

Одамда фаҳм-фаросат бор, ҳаром билан ҳалолнинг фарқига бора олади.

Одам ҳам бир нарсанинг моҳиятига қараб иш тутиш уқувига эга.

Одам кийинади.

Одам ибодат қила олади.

Одам иффатни қадрлайди, чунки унда севги бор.

Одамда меҳр бор, оқибат бор. Оқибат – бу меҳрнинг қайта жилоси, инъикосидир. Шу боисдан ҳам у ўз жинсини емайди. Одамда хотира бор, арвоҳ хотира қилиб ўтганларни эслаб туради.

Муқаддас калом бўлмиш Руҳ тилимизда ўз маъносида ва кўчма маъноларда қўлланилади. Руҳ киши ҳаётида у билан бирга, киши вафот этгач, танадан чиқиб, абадий яшайдиган илоҳий асос. Руҳ танадан тамоман мустақил ҳолда мавжуд, у танадан чиққач, одам одамлик моҳиятини йўқотади. Руҳ табиатдан олдин мавжуд бўлган. У кишининг танасида бўлганида унга одамий ҳаёт бағишлайди, уни жамиятнинг фаол аъзоси бўлишига имкон яратади, феъл-атвор ва маънавий қиёфа беради. Руҳ ҳеч қачон ўлмайди, уни Оллоҳ ато қилади ва ўзига қайтариб олади. (Туш кўришни Руҳнинг танадан вақтинча узоқлашиши дейиш мумкин).

Тилимизда тириклар вужудида Руҳни Руҳ деб, киши вафот этгач, унинг танасини тарк этган Руҳга нисбатан арвоҳ дейилади. (Аслида руҳ ва арвоҳ мазмунан бир хил бўлиб, Арвоҳ ибораси Руҳ сўзининг кўплик шаклидир). Маълумки, ўзбекларнинг кўпчилик қисми ўн уч асрдан ошиб қолдики, арвоҳлар мавжудлигига ишонади ва ўтган аждодларимизнинг Руҳларини унутмай, арвоҳ хотира қилиб келамиз. Қабристонларни, қадамжоларни зиёрат қиламиз, буюк ишларга қўл уришда ота-боболаримиз руҳларидан мадад сўраймиз. Бу Оллоҳ таолога илтижо йўсинида адо этилади.

Ҳозирги балоғат ёшидаги барча замондошларимизга аёнки, шўровий мафкура ва фалсафа Руҳнинг мангу мавжудлигини ғайриилмий ҳисоблаб, арвоҳ хотира қилиш удумини хурофот, жаҳолатпарастлик, зарарли эскилик сарқити санаган эди. Бунинг оқибатида жамият руҳан мажруҳликка учради, халқнинг руҳий дунёси торайиб, маънавияти қашшоқлашиб борди. Бу муқаддас тушунчалар ўрнини моддий нарсаларга сажда қилиш, молпарастликка ружу қўйиш, ўтмишни унутиш, келажакни ўйламаслик, фақат ҳозирги ҳузур-ҳаловатни кўзлаб кун кечириш сингари ижтимоий иллатлар эгаллади. Яхши амаллар учун мукофот, ёмон ишлар учун жазо бериладиган охират куни муқаррар экани унутилди. Натижада, маънавиятимизга путур етди, орзулар майдалашди, мақсаднинг уфқи торайди ва ҳоказо.

Инсоният муаммолари

Руҳ луғавий жиҳатдан кишининг ички ҳолати, қалб кечинмалари, ҳис-туйғулари, ботиний дунёси, маънавий қиёфаси, ўй-фикрлари, мақсад ва маслак кайфияти каби маъноларни ифодалайди. Кўчма маънода кўтаринкилик, файз, куч-қудрат, завқ-шавқ тушунчаларини билдиради. Фаолият, воқеа-ҳодисаларнинг кечмишдаги белгили хусусиятини ҳам англатади. Масалан, ҳозирги жамиятимиз инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидан бормоқда. Бу – давримиз руҳидир. Шу билан бирга, руҳ сўзи маслак, таълимот, ҳурмат, қарор ва шу кабиларнинг асосий моҳияти, улар негизидаги белгиловчи ғояга нисбатан, дейлик, бирор қарорнинг умумий руҳи деган маънода ҳам ишлатилади. Шуни чуқур мамнуният билан қайд этиш лозимки, истиқлол йилларида ўтганлар хотирасини эслаш ва қадрлаш бобида катта ишлар амалга оширилди. Президентимизнинг ташаббуси билан «Хотира ва Қадрлаш майдони» ва «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуаларининг бунёд этилгани фикримизга ёрқин мисолдир. Давлатимиз раҳбарининг «Қатағон қурбонлари»ни ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги Фармони бу йўлдаги савоб ишлар изчил давом этажагига далолатдир. Бу саъй-ҳаракатларнинг маъно-мазмуни, тарбиявий аҳамиятини тўғри ва чуқур таҳлил қилиш зиёлилар зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Зеро, ўтганларни ёд этишдан мақсад фақат уларнинг хотирасини эслашгина эмас, балки, шу билан бирга, ҳозирги кунда барҳаёт авлод ўртасида меҳр-оқибатни, қадр-қимматни янада кучайтиришдир, тарихдан сабоқ ва ибрат олиш, виждон амри билан иш тутишга доир даъват ҳамдир.

Президентимиз таъкидлаганидек, «Мустабид тузум даврида миллион-миллион бегуноҳ инсонларнинг умри хазон бўлганини, қанчадан-қанча оилалар хонавайрон бўлиб, қанчадан-қанча гўдаклар етим қолганини тарих, бугунги ва келажак авлод ҳеч қачон унутмайди». Фақат бугина эмас. Мустабид тузум даврида фақат тирикларгина азоб чекиб қолмади, балки неча асрлар аввал вафот этиб кетган аждодларимизнинг руҳи безовта қилиниб, хоки туробларининг очиб кўрилиши инсон хотираси дахлсизлигига ёвуз бир тажовуз бўлиб, шу қилмишга рухсат берган, унда иштирок этган ва томошабин бўлиб турган кимсаларнинг виждонлари қандай эканлигини кўрсатувчи бир далилдир. Шу фактнинг ўзи ҳам инсоний тубанлашувни намойиш этиши баробарида тобе халққа нисбатан мустамлака юртда хотиранинг сариқ чақалик қиймати бўлмаганини ифодалайди.

Дарҳақиқат, одам энг шарафли зот. Тириклигида ҳам, вафот этганидан кейин ҳам. Ҳар қандай ҳолатда ҳам вужуди дахлсиздир. Инсонпарварлик руҳи билан суғорилган Конституциямиз 26-моддасининг учинчи бандида бу борада шундай дейилади: «Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас». Бу қоида вафот этганларга ҳам тўла тааллуқлидир. Чунки, юқорида қайд этиб ўтганимиздек, одамнинг руҳи барҳаётдир, хотираси авлодлари ёдида сақланиб қолаверади. Демак, тириклигида руҳи макон тутган унинг жисми ҳам дахлсиз ҳисобланиши шарт. Акс ҳолда, инсонлик шарафига путур етади. Афсуски, баъзи кишиларда ана шу борада турли қарашлар учраб туради. Бу маънода **тиббиётнинг трансплантология соҳаси хусусида фикр юритиб, мулоҳазалашмоқ истагимиз бор.** Баъзан тиббиёт ходимлари бу соҳани бизда ҳам жонлантириш тарафдори эканликларини билдиришади.

Умум учун тааллуқли бўлган фикр-мулоҳаза ёки таклифларнинг моҳияти ҳақида ҳар томонлама чуқур мушоҳада юритиш зарур, албатта. Чунки ўша таклиф жамиятга, қолаверса, инсониятга нима беради, эзгуликка омил бўладими ёки кўпроқ зарар келтирадими, тарозининг палласи қай бирида оғир келар, ҳамма гап ана шунда. Хўш, трансплантология нима? Бу соҳа кенг халқ оммасига унчалик таниш эмас. Шунинг учун бу ҳақда қисқача тўхталиб ўтишга тўғри келади.

Хирургия – жарроҳлик тиббиётнинг кўҳна соҳаларидан бири бўлса, трансплантология нисбатан янги йўналиш. Хирургия билан трансплантология ўртасида энг асосий фарқ шундаки, хирургияда муолажа бир вужуд бемор доирасида бўлса, трансплантологияда эса муолажа икки вужуд – бемор ва донор вужуд (аъзо) доирасида амалга оширилади. Транс-

Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ

ЕТТИ

СОҲИБҚИРОН ЎҚИГАН КИТОБ

Низомулмулкнинг «Сиёсатнома» асари: адолатли бошқарув ва сиёсат юритиш мезонлари ҳақида

Сиёсий қадриятларимиз тарихидан

Шарқ мутафаккири Низомулмулк (Абу Али Ҳасан ибн Али Тусий) ўзининг давлат арбоби сифатидаги фаолияти, давлат бошқарувининг сиёсий жиҳатларига доир асарлари билан сиёсий фанлар тарихида ўчмас из ва бебаҳо мерос қолдирган буюк инсон эди.

Абу Али Ҳасан 1063-1072-йилларда салжуқий шоҳ Алпарслон саройида вазир эди, ўзининг донолиги ва адолатли иш юритиши сабабли мамлакатда эътибор қозониб, «Низомулмулк», яъни «мулкнинг низоми», (тартиби) номини олишга сазовор бўлади. Абу Али Ҳасан вазирлик мансабида бўлса-да, давлатнинг барча бошқарув ишларига амалда бошчилик қилади.

Алпарслон вафотидан кейин ҳукмдорлик қилган унинг ўғли Маликшоҳ Низомулмулкни ўз ҳомийси, яъни Отабек деб атайди.

Бир куни Маликшоҳ барча машҳур ва таниқли олимлар мажлисида давлатни бошқариш қоидалари, низоми ва усуллари ҳақида асар битиш, унда тарихда ўтган машҳур шоҳлар ҳаётий тажрибаси асосида сабоқлар берувчи адолатли бошқарув ва идора этиш қоидаларини тузишни буюради. Шу билан бирга, бу асар давлат бошқарувида дастур вазифасини бажариши лозимлиги таъкидланади. Олимлар томонидан унинг турли мулоҳазаларини ёзишга киришилади. Бу ижодий мусобақада Низомулмулк ҳам қатнашади.

Мутафаккир арбоб Низомулмулк 1091 йилда 39 бобдан иборат бўлган «Сиёсатнома» ёки «Сияр ул-мулук» («Подшоҳлар турмуши») китобини ёзган. Мазкур асар шоҳга маъқул келиб, унинг энг мукаммал эканлиги шоҳ томонидан эътироф этилади. Кейинчалик Низомулмулк «Сиёсатнома»ни қайта ишлаб, унга янги боблар ва қисмлар қўшган.

Низомулмулкнинг «Сиёсатнома» асари ўз замонасида ҳам, ундан кейинги бир неча юз йилликларда ҳам олимлар, тарихчилар, сиёсатчилар, шоҳлар ва давлат арбоблари учун дастурламал сифатида хизмат қилди.

Соҳибқирон Амир Темур ўзининг «Темур тузуклари»да мутафаккир ва давлат арбоби Низомулмулк фаолиятини ва илмий меросини ўз даври учун намуна қилиб кўрсатади: «Масалан, Маликшоҳ Салжуқий ўз вазири Низомулмулкни кейинчалик – F. K. мартабасидан туширди. Вазир бошдан-оёқ яхши сифатларга ўралган эди. Унинг ўрнига зоти паст, ёмон бир кишини вазир қилиб тайинлади. Бу шумқадам вазирнинг қабиҳ ишлари зулми-ситами ва нафси бузуқлиги касофатидан салтанат биноси бузила бошлади». Соҳибқирон Амир Темур ўз асарининг яна бир ўрнида Низомулмулкни давлатни бошқаришдаги фазилатларини қуйидагича таърифлайди: «У ҳажга бормоқчи бўлиб турган вақтида авлиёлардан бири унга дебди: «Маликшоҳ давлатининг хизматида бўлиб, амалга ошираётган хайрли ишларинг ва Тангри таолонинг бандаларига етказиб турган ёрдаминг ҳаж қилиш билан баробардир». Шунингдек, Соҳибқирон Амир Темур ақлли, билимдон ва хушёр вазир Низомулмулкнинг мамлакат бошқарувининг турли соҳаларидаги сиёсатчилик маҳоратини улуғлаб, «у нима деган бўлса, бари ақл кўзгусидир», дейди.

Жаҳон афкор оммаси эътироф этган «Сиёсатнома» асари, унинг халқчиллик тамойиллари нуқтаи назаридан бугунги кунда сиёсий бошқарувни эркинлаштириш ва номарказлаштиришга доир ислоҳотларни чуқурлаштиришда миллий-тарихий манба сифатида хизмат қилиши шубҳасиздир.

Низомулмулк шоҳ ва унинг мансабдорлари амалий ҳаёт тажрибасини орттирган, жаҳонгашта ва мўътабар оқсоқоллар, олиму дониш инсонлар билан кенгашган ва улардан маслаҳат олган ҳолда халқни бошқариш фикрини илгари суради. Мутафаккир давлатнинг марказий ҳукумати кучли бўлиши лозим, деган таъкидни келтиради. Ана шунда мамлакатда тинчлик ва адолатли барқарорлаштириш имконияти юзага келади.

Адолат қилмоқ заруратини ўша давр нуқтаи назаридан изоҳлар экан, Низомулмулк шундай ёзади: «Подшоҳ ҳафтада икки кун зулм кўрганларни қабул қилиб, золимларнинг додини бериб, жазолаб ва раъият сўзларини бевосита эшитиб бориши керак. Агарда худованд подшоҳ додхоҳларни олдига чақириб, ҳафтада икки маротаба уларнинг сўзларини эшитади ва золимларнинг жазосини беради, деган хабар мамлакатга тарқалса, унда ситам қилувчилар оқибатини ўйлаб, қўрқиб бедодлик қилмайдилар. Олдин ўтган кишиларнинг китобларидан шуни ўқиб билдимки, ажам шоҳлари бир дўкон ясаб, уни отга юклаб саҳрога олиб борарканлар, токи ўша жойда йиғилган мазлумларни кўриб, ҳар бирининг арзини эшитиб олиш мумкин бўлсин. Бунинг сабаби шу эдики, агарда подшоҳ бирор жойда ўтириб қолса, у ерда даҳлиз, эшик ва парда пайдо бўлади. Ғаразли кишилар ва ситамгарлар шундан фойдаланиб, зулм чекаётганларни подшоҳ олдига қўймайдилар».

Муаллиф ўз давридаги саройдаги ва мансабдорлар ўртасидаги ҳасадчи ва ғаразли инсонларни фош этади, юқори доирадаги мансабдорларнинг макру ҳийлалари, уларнинг бир-бирларига зимдан қасд қилишлари ва уларнинг ўзаро душманликлари давлат бошқарувига, халқ ва салтанат фаолиятига тўсиқ эканлигини тилга олади.

Давлат сиёсатини юритишда ва мамлакатни идора этишда мансабдорларнинг ўрни ниҳоятда муҳимлигини эътироф этган Низомулмулк уларни адолат ва ҳалол йўл билан ишга олиш, мансабдорларни доимо назорат қилишни таъкидлайди.

«Сиёсатнома»нинг кўп жойларида халифалар ва уларга қарши кўтарилган қўзғолонлар ва урушлар, ислом динидаги турли мазҳаблар, улар ўртасидаги муносабатлар ҳақида ҳам кўплаб тарихий маълумотлар берилади. Муаллифнинг фикрича, мамлакат ва давлат ягона ва яхлит мафкурага эга бўлмаса, турлича қарашлар ўртасидаги ҳокимият учун курашлар ва урушлар давлатнинг тинка-мадорини қуритади. Низомулмулк давлат, шоҳ, ҳокимлар халқнинг яхлитлиги, давлат кучли бўлиши ва унинг ҳимоясини таъминлаш учун ўзларининг бутун илми, билими, ҳаёт тажрибаси, кучи ва интилишларини бахшида этишлари талаб этилишини турли мисоллар асосида кўрсатиб беради.

«Сиёсатнома»да давлат сиёсати ва бошқарувини халқчил этиш ва такомиллаштиришга доир низомлар, қоида ва қонунлар, бошқарув усуллари, фиқҳ ишлари, қўшин тузиш ва уни жанговар ҳолатга келтириш, шунингдек, давлат сиёсатини юритиш билан боғлиқ барча жабҳаларга доир маълумотлар, тавсиялар ва маслаҳатлар келтирилган.

«Сиёсатнома»да молия, хўжалик юритиш ишлари, солиқ ва турли тўловлар сиёсатига доир ишларни олиб бориш усуллари атрофлича очиб берилган. «Солиқ ўз вақтидан олдин олинса, раъиятга ранжу азоб етади, улар мажбурликдан мол-давлатларини ярим баҳода сотиб, уй-жойларини ташлаб кетиб, овора ва сарсонликда ғарибликка мубтало бўладилар».

Дунё сиёсий фанлар оламида ўз қадр-қимматини йўқотмаган ушбу асарни ҳозирги даврда ҳам турли мамлакатлардаги сиёсатчилар, давлат мансабдорлари, шунингдек, сиёсатшунос ва ҳуқуқшунос олимлар ўрганиб келмоқдалар.

Ғуломжон КАМОЛОВ,
Давлат ва жамият қурилиши Академияси тингловчиси

АМЕРИКАДА БИРИНЧИ «ЎЗБЕК ТИЛИ ДАРСЛИГИ» ЧОП ЭТИЛДИ

Америкада ўзбек миллий қадриятлари ўрганилмоқда

Америкаликларнинг Марказий Осиё мамлакатлари ва жумладан Ўзбекистонга бўлган қизиқиши кун сайин ортиб бормоқда. Шу кунларда «Вашингтон пост», «Ню-Йорк Таймс», «ВиВиСи», «СНН», «Вашингтон Филе», «Америка овози» ва бир қатор бошқа оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон тўғрисида мақолалар чоп этиб, маълумотлар тарқатмоқдалар. АҚШнинг қатор университетларида минтақани ўрганиш бўйича илмий-амалий анжуманлар, Халқаро конференциялар ва амалий мулоқотлар ташкил қилинмоқда. Бу ерда ўзбекча сўзлашувчи бир қанча америкалик мутахассисларни учратиш тобора оддий ҳолга айланиб бормоқда. Улар ўзбекча сўзлашишни университетда ва Ўзбекистонга бориб ўрганишмоқда. Лекин шу вақтга қадар ўзбек тилини ўрганувчилар учун кенг қамровли китоблар яратилмаган эди. Яқинда Америка Қўшма Штатлари тарихида биринчи бор шундай зарур китоб муаллифи, кўпчилик ўзбекистонликларга ва мутахассисларга таниш, ҳозирги кунда Индиана университетида фаолият юргизаётган профессор Хайрулла Исматуллаев билан суҳбатни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

– Ҳурматли Хайрулла ака, суҳбат аввалида америкаликларнинг ўзбек тилини ўрганиш борасидаги қизиқишлари тўғрисида гапириб берсангиз.

– Америкаликлар асосан ўзбек тилини ўрганишни ўтган асрнинг 50-йилларидан бошлашган, ўша йилларда Индиана университетида шу бўлим очилган. Аввал у Урол-шунослик ва Олтойшунослик тадқиқотлар бўлими деб аталарди. Бундан кўзланган мақсад Урол ва Олтой минтақасини, яъни туркий халқларни ўрганиш бўлган. Албатта, бу ерда геосиёсий мақсадлар ҳам кўзда тутилган. Советлар ҳукмронлиги даврида Ўрта Осиё Европа давлатлари ўртасида кам ўрганилган. Минтақани энг кўп ўрганган жой Индиана университетининг мазкур факултети ҳисобланади. Бу факултет 1991 йилдан Евроосиё тадқиқотлар бўлими деб атала бошланди.

– Ўзбек тилини ўрганувчи америкаликлар асосан қайси китоблардан фойдаланишган? Нима учун илгари дарслик китоблари чиқарилмаган?

– Ўзбек тилига оид китоблар асосан 1953 йилдан чиқарила бошланди. 1948 йили фақатгина «Туркий тилларда сўз ясалиши» деган китоб чиқарилган, холос. Бундан кейин туркий тилларни ўрганиш бўйича китоблар чиқарилиши алоҳида йўлга қўйилди. Илк бор Чарлз Биджер «Ўзбек тилининг структура грамматикаси» номли китобини Вашингтонда босиб чиқарди. Лекин мазкур олим ўзбек тилини у қадар билмас эди, унинг ёзганлари жуда ҳам ғариб бўлганлиги сабабли, китоб жуда кам миқдорда чоп этилган. Кейинчалик чиққан профессор Николай Поппе Жунёнинг китоби «Ўзбек газета тилидан қўлланма» деб аталди. Муаллиф собиқ иттифоқ Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси бўлган Николай Николаевич Поппенинг ўғли. Бу олим «Қизил Ўзбекистон» газетасининг бир неча йилдаги сонларини ўрганиб ўзбек тили грамматикасини ҳам яратган. «Ўзбек газета тилидан қўлланма» Америкада ўзбек тилини ўрганиш соҳасидаги биринчи китоб саналади. Бу китобда ҳам жуда катта камчиликларга йўл қўйилган. Ҳам грамматика соҳасида, ҳам сиёсат соҳасида камчиликлар бўлган, лекин шунга қарамасдан шу қўлланма ҳозиргача кутубхоналарда сақланиб келинмоқда. Кейинчалик университетнинг мазкур бўлим раҳбари лавозимида фаолият юргизган профессор Ало Раун ўзбек тилидан янги китоб чиқарди, китобининг номи «Ўзбек тилининг асосий курси». Ало Раун ҳам ўзбек тилини билмасдан китоб ёзган. 1964 йил «Шарқ Юлдузи» журналининг 12-сонида мазкур китоб бўйича фелетонга ўхшаган мақола чиқарганман. Мақоламни бу ердагилар қизиқиб ўрганишган экан. Мақоладаги танқид тўғрилигини тан олишган. Энг қизиғи шундаки, ушбу мақола ҳалигача университет кутубхонасида сақланиб келинади.

– Америкаликларнинг ўзбек тилига бўлган қизиқиши сабаблари тўғрисида фикр билдирсангиз?

– Ҳозирги вақтда ўзбек тилига қизиқиш жуда ҳам кучли. Сабаби, Ўзбекистоннинг минтақадаги тарихий ўрни, бой миллий қадриятлари, ўзбеклар катта миллат бўлганликлари учун. Кеча Вашингтондан бир таклиф олдим. Ўзбекистонга борувчи бир гуруҳ ўзбек тилини ўргатиш бўйича ёрдам сўрашди. Ҳозир Ўзбекистонга бориб ҳамкорликда ишлайдиган жуда кўп компаниялар очилмоқда, шунинг учун бу ерда ўзбек тилини ўрганишга ҳозир алоҳида эътибор қаратилмоқда. 1944 йили бизни «Нюмонт Голд» компанияси раҳбарияти таклиф қилган эди, улар Ўзбекистонда жуда катта ишларни амалга оширмоқдалар. Ўзбекистон билан ҳамкорликда улар у ерда янги бир ширкат очишди. Шу ширкатда ишлайдиган ходимлари учун ўзбек тилини ўрганиш бўйича махсус қўлланма яратишиб, ўз ходимларига тарқатишди. Бу ерда шундай! Ҳар бир компания ўзини ўйлайди, ўзининг компаниясини ривожини ўйлайди. Мана шулар ҳам АҚШда ўзбек тилини ўрганишга катта туртки бўлмоқда.

– АҚШ Индиана университетидан бошқа жойларда ҳам ўзбек тили ўрганиладими?

– Ҳозирги кунда ўзбек тили Индиана университетидан ташқари, Пенсилвания, Колумбия, Вашингтон-Сиэтл, Лос-Анжелес, Мичиган ва Чикаго университетларида ўқитилмоқда. Америка тизими шундайки, агар талаб бўлмаса университетда битта ҳам ўрин очилмайди. Талаб бўлса, демак ўзбек тилидан мутахассис керак бўлсагина ўрин ажратилади. Америкаликлар ўртасида ўзбек тилига бўлган қизиқиш ўсиб бормоқда. Ўзбек тили асосан, магистр ва аспирантлар учун ўргатилади. Булар ўша тўрт йиллик ўқишни битиргандан кейин келиб ўрганадилар. Бундан ташқари АҚШнинг бир неча университетларида ёз вақтида оддий одамлар учун кўплаб ўзбек тилини ўрганиш махсус курслари очилади.

– Домла, энди суҳбатимизни янги китобингиз тўғрисида давом эттирсак. Унинг тайёрланиши, қаерда, қачон чоп этилиши ва у китоб асосан кимлар учун мўлжалланганлиги тўғрисида тўхталсангиз?

– АҚШ га келишимдан олдин бу ердагилар менинг олдимга ўзбек тили дарслигини чиқариш талабини қўйишган. Мен ўша пайтларда ўзбекчани ўрганувчи русийзабонлар учун «Ўзбек тили грамматикаси» китобини тайёрлаган эдим. Улар қўлланмани кўришиб, уни инглиз тилига ўгиришни сўрашди. Америкадаги ўқиш ва ўқитиш тизими советлардаги ўқув тизимидан мутлақо фарқ қилади, худди шундай тил ўргатиш системаси ҳам мутлақо бошқача. Шунинг учун мен бошқа йўлдан боришга мажбур бўлдим. Ўша китобни мен қайтадан янгича услубда америкаликларнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда ёзишга киришдим. Бу Ўзбекистондаги грамматика китобларига ўхшамайди, бутунлай бошқача. АҚШда тилни ўрганиш грамматикани ўрганишдан бошланмайди. Бу ерда тилни ўрганиш, сўз ва жумлани ўрганишдан ва гапиришдан бошланади. Грамматика асосан дарсдан ташқари, уйда ўрганиб уни сўзлашиш орқали тадбиқ қилиш талаб қилинади. Янги китоб 1995 йили Индиана университетидаги Ўрта Осиёни ўрганиш бўйича алоҳида китоб чиқариш бўлимида ҳажми 550 саҳифа қилиб босиб чиқарилди. Кейин икки жилдли қилиб Мерилин штатида жойлашган «DANVUDI» («Dunwoody Press») номли шахсий китоб чиқариш нашриётига топширдим. Улар янги китобимни ўтган йилнинг охирларида босмадан чиқаришди. Жуда катта ҳажмда сифатли қоғозда чоп этилган дарсликнинг биринчи томи 560 саҳифадан, иккинчи томи эса 520 саҳифадан иборат. Дарслик инглиз тилида сўзлашувчи талабаларга мўлжалланганлиги сабабли барча изоҳлар инглиз тилида берилган. У нашриёт мазкур «Ўзбек тили дарслиги» китобини уларга сотиш тўғрисида таклиф қилишди, мен рози бўлдим. Шундай қилиб бу икки томлик китоб мазкур нашриётда катта тиражда чиқарилди. Ҳозир АҚШнинг кўп штатларида жойлашган университетларда ва ғарбий мамлакатлардан Германияда, Англияда ва бошқа мамлакатларда бу китоб асосида ўзбек тили ўрганилмоқда.

– Мазкур дарсликнинг тузилмаси ва асосий мазмуни ҳақида гапириб берсангиз. Умуман бу дарслик Ўзбекистонда чиқарилган китоблардан нима билан фарқ қилади?

– Дарсликнинг биринчи томи сўзбоши, кириш, илова ва 28 дарсдан иборат. Биринчи томда берилган ҳар бир дарс етти бўлимга эга: (1) Янги мавзуга бағишланган намуна гаплар. (2) Суҳбатлар. Ўзбеклар ҳаётига оид кичик суҳбатлар берилиб, бунда янги грамматик мавзуга тааллуқли жумла, гаплар ишлатилади. (3) Янги сўзлар луғати. (4) Янги мавзуга бағишланган намуна гапларнинг инглизча таржимаси. Ўзбек тили қурилишини ўзлаштириш учун бу жуда муҳим саналади. (5) Фонетик ва грамматик изоҳлар. Ўзбек тили товуш ва сўз, жумла қурилишига оид янги мавзу инглиз тилида тушунтирилади, мисоллар билан изоҳланади. (6) Янги мавзуга оид машқлар. Ҳар бир дарсда 10 тадан 15 тагача турли машқлар берилади. (7) Ҳар бир дарснинг охирида ўқиш учун кичик матнлар берилиб, шу матнлардаги нотаниш сўзларнинг инглизча таржимаси ўша саҳифанинг ҳошиясида келтирилади. Мазкур матнлар ҳам ўтилган мавзуга мос келади. Дарсликнинг иккинчи томида 25 та дарс берилган. Бу жилд биринчи [illegible] қисмдан фарқ қил[illegible] ҳар бир дарс 6 қисм[illegible]рат бўлиб, бунда янги мавзуга бағишланган НАМУНА ГАПЛАРнинг инглизча таржимаси берилмаган. Сабаби, иккинчи йил ўзбек тилини ўрганаётган талабалар ҳар бир намуна гапни ўзлари таржима қилишга ҳаракат қилишлари керак. Бу 2 томлик китобга алоҳида бир қўлланма илова қилинган бўлиб («Supplement to the Uzbek Textbook»), унда ҳар икки томга киритилган барча машқларнинг жавоби, ечими ҳамда Намуна Гаплар таржимаси берилган. Бу Қўлланма алоҳида, учинчи китоб сифатида нашр этилган. Дарслик АҚШдан ташқари яна Ғарбий Оврупо мамлакатларида сотилишга мўлжалланган. Бу дарсликни ИНТЕРНЕТ орқали дунёнинг исталган бурчагидан буюртма билан харид қилиш мумкин.

Суҳбатни Мавлон ШУКУРЗОДА ёзиб олди,
АҚШ, Индиана штати

(Давоми келгуси сонда)

Ичонқалъа Хиванинг ҳунармандчилик маркази ҳисобланади. Хиванинг ганчкорлик, ўймакорлик, мисгарлик, сангтарошлик, заргарлик сингари ҳунармандчилик мактаблари бор. Мисгар Даврон Полвонов бешинчи авлод вакили, у сайқал берган буюмлар чинакам санъат даражасига кўтарилади.

ЎЙЛАБ...

плантологияда илк тажриба 1967 йили Жанубий Африка республикасининг Кейптаун шаҳридаги клиникада тиббий олим ва жаррох Кристиан Бернард томонидан амалга оширилган. У юраги хаста 69 яшар беморнинг юрагини олиб ташлаб, автомобил ҳалокатида ҳалок бўлган 25 яшар йигитнинг соғ қолган юрагини кўчириб ўтказган эди. Шундан бошлаб трансплантология – тўқиманинг бир қисми ёки бутун бир аъзони кўчириб ўтказиш соҳасида тажриба ва изланишлар жаҳондаги бир қатор мамлакатларда олиб борилмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, қон қуйиш ҳам трансплантологияга киради дейилади. Лекин трансплантологиянинг биз назарда тутаётган жиҳати қон қуйиш жараёнидан кескин фарқлидир. Чунки қон суюқлиги донор организмидан бутунича (қўл, оёқ, бармоқ... каби) эмас, қисман олинади, маълум меъёрлар албатта амал қилади. Акс ҳолда донор организм соғлигини йўқотиши ёки ҳалок бўлиши мумкин. Яна бир жиҳати, қон тўқимасини ўлим содир бўлган танадан олиб фойдаланиш имкони йўқ. Шунингдек, донор организмдан маълум миқдорда олинган қоннинг ўрни аста-секин яна тўлдирилиши – организм бу суюқликни қайта ишлаб чиқавериши аниқ. Бироқ, ҳеч қачон кесиб олинган бармоқ қайта ўсиб чиқмайди, шунга ўхшаш бошқа аъзолар ҳам...

Дунё олимларининг тажриба ва изланишлари натижасида ҳозирги пайтда буйрак, юзлаб кишига юрак ва жигар кўчириб ўтказилди. Айрим кишилар «бунинг нимаси ёмон, оғир касталик туфайли ўлимга маҳкум бўлган бу беморларнинг умрлари узайтирилибдику» дейишлари мумкин. Лекин ҳамиша, ҳар гал шундай бўлиши гумон, улардан инсон бахт-саодати йўлида ҳам, унга қарши ҳам фойдаланиш мумкин. Масалан, Алберт Эйнштейн нисбийлик назариясини кашф этиши натижасида термоядро реакцияси ва термоядро қуроли вужудга келди. Демак, ижтимоий тузум, жамият олимнинг кашфиётидан қандай фойдаланишни белгилайди. **Пул ҳукмрон бўлган муҳитда трансплантологиянинг олди-сотди воситасига айланиб кетиш хавфи мавжуд.** Жаҳон матбуот хабарларига кўра, айрим мамлакатларда' бу хавф воқеликка айланмоқда. Шунинг учун ҳам барча тараққийпарвар кишилар бу ҳақда – бир одамнинг бахти иккинчи бир одамнинг ҳалокати билан боғлиқ бўлиши хавфидан ташвишланмоқдалар. Бир қатор мамлакатларда аввал-бошданоқ трансплантологияга рухсат берилмаган бўлса, эндиликда бошқа мамлакатларда ҳам медицинанинг бу соҳасини чекловчи қонунлар қабул қилинмоқда. Одам тириклигида ҳам, вафот этганидан кейин ҳам дахлсиз эканлиги қонунан кафолатланмоқда. Баъзи мамлакатларда эса агар одамнинг ўзи вафотидан кейин тўқимасидан тиббий мақсадларда фойдаланилишига васияти бўйича розилик берган бўлса, бу борада истиснога йўл қўйилади, лекин бу ҳам жуда кам учрайдиган ходисадир.

Тарихдан маълумки, қулдорлик жамиятида қулдор қулни улгуржи сотиб олиши ва сотиб юбориши мумкин эди. Ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб кишини чаканалаб сотиш-олиш хавфи келиб чиқди. Буниси унисидан кўп даҳшатли. Бу бир халқ бир қитъа доирасидаги хавф эмас, балки пул ҳукмрон бўлган барча жойларга хос хавфдир.

Ҳозирги кунда жаҳон бўйича трансплантологияга нисбатан икки хил қараш бор. Унинг тарафдорлари «киши – ўткинчи, кишилик эса мангу, ўткинчи мангуга хизмат қилиши керак» десалар, рад этувчилар эса «йўқ, ҳар ким ўз умрини кўриши, тиригида ҳам вафот этганидан кейин ҳам вужуди дахлсиз бўлиши шарт» демоқдалар. Ашаддий тарафдорлар бунга жавобан «ақлли одам то миясининг ишдан чиққунча умр кўришга ҳаракат қилиши ҳам керак» деган фикрни билдирсалар, инсонпарвар кишилар эса «ҳар ким узоқ умр кўришга ҳақли, бироқ ўз умрини кўриши, бировнинг аъзосига умид боғлаши инсофдан эмас, демоқдалар. Тарафдорлар фикрича, «зарурат туғилганда, трансплантологияни қўллаб ҳам инсон умрини узайтириш керак». Бизнингча эса, шуни унутмаслик керакки, зарурат туғилганда имконият бўлмаслиги мумкин. Натижада трансплантология инсонни олди-сотди воситасига айлантириб юбориши ҳеч гап эмас. Айниқса, «ақли расо, мумтоз кишилар учун ҳамма нарса мумкин ва раво» деган «ақида» ҳукмрон жойларда трансплантология инсонлик шарафига хавф солмоқда. Бинобарин, бир умрнинг узайиши иккинчи бир умрнинг қисқариши ҳисобига, кимнингдир ҳаёти кимнингдир ўлимига боғлиқ бўлмаслиги керак. Ахир, одам жонсиз дарахт эмаски, бир қисмини шартта кесиб олиб иккинчисига пайванд қилинса.

Трансплантология тарафдорлари ҳалокатга учраган кишиларнинг соғ қолган аъзоларидан фойдаланиш, шу йўл билан бошқа беморларнинг умрини узайтиришнинг ёмон жойи йўқ дейишлари мумкин. Йўқ, масала улар ўйлаганчалик жўн эмас. Аввало, тасодифий ўлимларнинг олдини олиш керак. Ҳар куни ўз ҳаётининг ва ўзгалар ҳаётининг хавфсизлиги чорасини кўриб, соғлом турмуш ила яшаб ўз умрининг узоқ бўлиши учун курашиб бормоғи лозим.

Трансплантологиядаги инсонлик шарафига хавф соладиган асосий муаммо шундаки, хирургияда операция бир бемор доирасида, трансплантологияда эса икки ёки ундан кўп киши доирасида, яъни бахтсизликка учраган кишилар ва бемор доирасида амалга оширилади.

Умрини қандай йўллар билан бўлмасин, узайтиришга интилувчи бемор ва сохта беморлар ҳам чиқиб қолар. Бир неча аъзосини янгилаш йўли билан узоқ умр кўришни истовчилар ҳам пайдо бўлар, бу йўлда ҳеч нарсадан тап тортмайдиганлар ҳам вужудга келар. Хуллас, маънавий жиҳатдан мукаммалликка етиб бормаган кишилик жамиятининг ҳозирги босқичида, айниқса, пул ҳукмрон бўлган айрим жойларда трансплантология оддий кишиларнинг ёвуз душманига айланиб кетар. Бу ўринда юқорида тилга олиб ўтганимиз – Алберт Эйнштейннинг нисбийлик назарияси инсоният бошига кулфат келтирганини унутмаслигимиз лозим. Йўқ, биз илм-фан ютуқлари янада равнақ топа бориши йўлида олиб борилаётган илмий ва амалий изланишга ҳам қарши эмасмиз. Лекин ҳар бир ҳаракат инсониятнинг маънавий камолотига раҳна солмаслиги керак, деб ҳисоблаймиз. Медицина равнақига хизматлари учун Берлинда Гумболд университети ҳовлисида қурбақага ҳайкал қўйилган. Лекин инсон бу ёруғ дунёнинг гултожи, энг шарафли зот!

Трансплантологиянинг юридик, ахлоқий, ҳуқуқий ва маънавий жиҳатлари ҳам бор, албатта. Тиббий ходимлар ўз касбий манфаатларидан келиб чиқиб, фикр юритиб, трансплантологияни ёқлайдилар. Манфаат асосига қурилган ахлоқ умуминсоний ахлоққа ҳар доим ҳам мос келавермайди. Чунки, манфаат асосида қурилган ахлоқдан келиб чиққан ҳулқ манфаатга қараб ўзгараверади. Ўзгарувчан «ҳулқ» жамиятнинг маънавий камолотига наф келтирмайди. Ўзганинг аъзоси эвазига яшашда давом этажак кишининг руҳиятида ўзгаришлар юз беради, атрофдагилар, айниқса, ўзи бирор сабаб билан бевақт ҳалок бўлиб кетиб, унинг бирор аъзоси ўзганинг вужудида яшаб турган кишининг яқинлари ҳолатини бир кўз олдимизга келтирайлик. Хуллас, тиббиёт ходимларининг ҳар бир фикр-мулоҳазалари, касбий эҳтиёж ва манфаатлари халқнинг асрий турмуш тарзи, дунёқараши, ҳулқи, ахлоқига, бир сўз билан айтганда, маънавиятига зид келмаслиги лозим.

Тафаккур дурдоналари

МАРҲУМЛАР ҲАЛАҚИТ БЕРМАЙДИ

Урф-одатлардан ҳар қандай чекиниш катта саъй-ҳаракатни талаб этади. Бунинг устига маънавий камолот сари ташланган биринчи қадам, ана шу чекиниш билан боғлиқдир.

Л. Н. ТОЛСТОЙ

Янглишган одам – ёлғонни чин ҳақиқат деб биладиган одамдир. Бироқ, шундай ҳам бўладики, кишилар янглишмайдилар, балки уларнинг олдида ҳақиқат тўла намоён бўлса ҳам, улар ҳақиқатни атайин тан олмайдилар. Улар ҳақиқатни тушунмаганларидан эмас, балки ҳақиқат уларнинг ёвуз ишларини фош қилганлиги ва уларни ўз нуқсонларини оқлаш имконидан маҳрум этганлиги учун ҳақиқатни тан олмайдилар.

ЭПИКТЕТ

Бизнинг ғам-ташвишларимиз кўпроқ ўз хатоларимизни тузатишни унутиб, бошқаларнинг хатосини тузатишга интилишимиз билан боғлиқдир.

ЛЮСИ МАЛОРИ

Фақат бўрон кўтарилгандагина денгизчининг маҳорати намоён бўлади, фақат жанг майдонларидагина жангчининг жасорати синовдан ўтади, инсоннинг ким эканлиги фақат ҳаётнинг энг оғир ва хатарли пайтларидагина аён бўлади.

ДАНИЭЛ

Марҳумлар ҳақида ёмон гапни айтма ёки сукут сақла дейдилар. Менинг фикримча, аксинча бўлиши керак: тириклар ҳақида ёмон гапни айтиб бўлмайди, бу уларга оғир ботади ва бошқа тирикларга бўлган муносабатни бузади. Бироқ ўлганлар ҳақида ёлғон мақтовни айтгандан кўра бор ҳақиқатни айтишга ҳеч нарса ҳалақит бермайди.

Л. Н. ТОЛСТОЙ

Оз нарсага эга бўлган одам эмас, балки тобора кўп нарсани хоҳлаётган одам қашшоқдир.

СЕНЕКА

Дин – бизнинг барча мажбуриятларимизни худонинг буйруғи деб эътироф этишдир.

И. КАНТ

Ўтмиш энди йўқ, келажак ҳали келгани йўқ, фақат ҳозирги вақт мавжуд. Биргина ҳозирги вақтдагина инсон руҳининг илоҳий эркин моҳияти намоён бўлади.

Л. Н. ТОЛСТОЙ

Қиролларнинг «мен ҳамма нарсага эгаман» деб ўзини осонгина ишонтириши, халқнинг эса «мен ҳеч нарса эмасман» дейиши мени доимо ажаблантиради.

МОНТЕН

Шахс эркинлиги буюк ишдир. Халқ озодлиги фақат ва фақат шундангина ўсиб чиқиши мумкин. Инсон ўзидаги эркинликни ҳурмат қилиши ва уни энг яқин кишиларидан, бутун халқдан кўра ҳам кўпроқ қадрлаши керак.

ГЕРЦЕН

Подшо авлиёдан сўради: «Сен, мен ҳақимда ўйлайсанми?». Авлиё жавоб берди: «Ҳа, ўйлайман, фақат худони унутган вақтимда».

Шайх САЪДИЙ

Одамлар кўп ҳолатларда ҳурматга лойиқ нарсалар билан эмас, балки улар учун кераксиз ва зарарли бўлган бойликлари ва ҳокимияти билан ғурурланадилар.

Л. Н. ТОЛСТОЙ

Катта кутубхона китобхонга бирон нарса ўргатишдан кўра унинг ҳафсаласини пир қилади. Ўйламасдан кўп муаллифни ўқигандан кўра бир неча муаллиф билан чекланиш яхшироқдир.

СЕНЕКА

Рус тилидан Қодирқул РЎЗМАТЗОДА таржимаси

«МТ» таклиф қилади

УЛУҒЛАР ҚАДАМИ ТЕККАН ҚИШЛОҚ

Андижон вилоят Пахтаобод туманининг маркази эскидан Қўқонқишлоқ деб аталади. Машҳур ғазалхон шоиримиз Зокиржон Ҳабибий, ундан илгарироқ шоир Қори Зокирлар шу қишлоқда таваллуд топганлар ва ижод булоқлари шу қишлоқнинг ҳавоси-ю, тупроғидан мавж урган.

Ушбу қишлоқда домла Ҳабибийнинг дўсти, ўзи оддийгина хўжалик ходими бўлса ҳам, шеърият мухлиси, арабий-форсийдан эскича маълумоти бор, меҳмондўст Муҳаммаджон ака Мамадалиев деган бўлар эди. У кишини бутун қишлоқ «Мулла Мамажон ака» деб аташарди. Ҳабибий бирон ғазални ёзиб битказса, кўпинча ушбу дўстига ўқиб берґувчи эди.

Шу туфайли андижонлик ёш муллабаччалар, кейинча «Улфат», «Анисий», «Хуррам» тахаллуслари билан танилган ғазалхон шоирлар – Имоиддин Қосимов, Абдулаҳад Азизов, Абдулҳамид Абдураззоқовлар, уларга қўшилиб, кейинча Боқир тахаллуси билан шоир бўлиб етишган 14–15 ёшли Омонулло Валихонов, шунингдек, турли касб эгалари бўлса ҳам шеърият мухлислари тез-тез Қўқонқишлоққа бориб туришар, Мулла Мамажон ака уйида тўпланишиб адабий гурунг қилишар эди.

Кейинча Ҳабибий туфайли академик шоиримиз Ғафур Ғулом ҳам Мулла ака билан қадрдонлашиб кетди. Ғафур ака у кишига йўллаган бир хатида шундай деб ёзади: «Азизим, қадрдоним Мулла Муҳаммаджон!.. Сиз менинг туғишган биродарим қаторидасиз».

1939 йил тарихий Катта Фарғона канали қурилиши бошланиб Мулла Мамажон ака раҳбарият топшириғи билан каналнинг бош тўғони бошланган Учқўрғон қишлоғида нефт маҳсулоти таъминоти билан шуғулланди. Шоир Ҳабибий ҳам шу ерда эди. Мулла акамизнинг хушмуомалалиги, бағри кенг, доимо дастурхони очиқ, шу билан бирга, шеърият ва илм-фан мухлиси бўлгани боис у кишининг жойлари атрофдан келган шоиру санъаткор, олиму амалдорларнинг гўё «Бош штаби»га айланиб кетди: Тошкентдан каналчилар хизматига келган адиблар ва раҳбарлар албатта Мулла ака олдида тўхташиб, сўнг хизматларига тарқалишар, хизмат адо бўлгач эса яна шу ерга йиғилишиб, Мулла аканинг бир пиёла чойларини ичмасдан кетмас эдилар.

Бир куни нима бўлди-ю, бир гуруҳ адиблар билан бирга Усмон Юсупов келиб қолди ва Ғафур Ғулом ҳамда Ҳабибий таклифи билан Мулла ака қароргоҳида тўхташди. Мулла акамиз эса бош раҳбарни ва шоирларни ўтказишга жой топа олмайди, дастурхон ёзиб қўлларига чой тутади-ю, аммо, – меҳмоннавоз эмасми, – асло кўнгли тўлмайди. Усмон ака ўрнидан тургач, Мулла акамиз Ғафур Ғулом, Ҳабибий ва Собир Абдуллони бир чеккага имлаб меҳмонларни уйига – Қўқонқишлоққа таклиф қилиш истагини билдиради. Ғафур Ғулом: «Мен айтаман» – деб жавоб қилади.

Буни қарангки, Усмон Юсупов режасида Фарғона вилоятининг Андижон атрофи туманларида бўлиш ҳам бор экан. Бош котиб Тошкентдан келган шоирларга Ғафур Ғулом таклифи билан Қўқонқишлоқда учрашадиган кунни белгилайди. Сентябр ойи охирлари эди, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Собир Абдулло, Ҳабибийлар Усмон ака тайинлаган куни Қўқонқишлоққа келишади ва Мулла ака уйида тўпланишиб, бош меҳмонни кутишади. Домла Ҳабибий Андижондаги укахонлари Улфат, Анисий, Хуррамларни ҳам чақиртириб келади. Ажойиб меҳмондорчилик бўлади (Усмон Юсупов иш билан қўшни «Қошғарқишлоқ»га кетади).

Адибларнинг бундай ўтиришларини халқимиз «Базми Жамшид» деб атайди. Ҳа, чиндан ҳам ўша куни Мулла аканинг ҳовлисида тарихда қоладиган илмий-адабий гурунг бўлди, дўстона суҳбат, ғазалхонлик, аския, мусиқа ва ашула, халқимиз меҳнати туфайли яратилаётган канал ҳақида яхши гаплар... Мезбон Мулла акамиз эса югуриб-еладилар, севинчи ичига сиғмайди.

Бу воқеа – тарихий воқеа – неча йиллар давомида иштирокчилар томонидан ширин хотиралар билан ҳикоя қилиб келинди. Бунга, мана 60 йилдан ўтди.

Воқеа иштирокчиларининг барчаси ёруғ дунёни тарк этдилар. Аммо азиз меҳмонлар бўлган ўша ҳовли – хонадон Қўқонқишлоқда сақланган. Мулла Муҳаммаджон ака хонадонида бўлиб ўтган адиблар гурунги ҳақидаги хотира эса оғиздан-оғизга ўтиб ҳамон ёддан чиққан эмас.

Камина ушбу тарихий учрашувга 60 йил тўлган 1999 йили Пахтаобод тумани раҳбариятига марҳум Мулла акамиз хонадонига ушбу учрашув – гурунг ҳақида бир ёдгорлик лавҳаси ўрнатиш таклифини киритган эдим. Бироқ – «тирикчилик» қурсин – бу савоб ишда қатъийлик кўрсата олмадик. Кейинги йили ҳам бу масалада гап қилдик. Аммо...

Мана мустақилликка эришганимиздан буён не-не савоб ишлар қилинди ва қилинмоқда. Буюк аждодларимиз хотираларига ёдгорликлар ўрнатилди. Атоқли адибларимиз, таниқли шоиру олимларимизнинг уй музейлари ҳам ташкил қилинди.

Азиз газетхон! Пахтаобод тумани марказида жойлашган марҳум Мулла Муҳаммаджон ака хонадонига юқорида номлари зикр қилинган улуғ шоирларимиз хотирасига бағишланган ёдгорлик лавҳаси ўрнатилиши ҳақидаги таклифларимизга Сиз қандай қарайсиз? Бизнингча, бу инсонларнинг Пахтаободга ташриф буюрганлари маънавиятимиз тарихида ҳам маълум из қолдирган воқеадир. Ёдгорлик лавҳаси ўрнатилса келажагимиз эгалари бўлмиш ёшларимиз тарбиясида ҳам маълум аҳамият касб этувчи ва уларни фақат яхшиликка ундовчи иш бўлур эди.

Сайфиддин ҳожи ЖАЛИЛОВ,
профессор, Ўзбекистон Республикаси тарихчилар жамиятининг Андижон вилоят бўлими раиси

ЧЎПИЙ ДОМЛАНИНГ «ОЛДИ-ҚОЧДИ» ТУРУНГЛАРИ

БОЛАМ БОЗОРГА КЕЛДИ

Бу дунё бозор, демиш машойихлар. Хоҳласангиз, бу гапни «қадам бақадам» ҳисобида ўлчаб кўрса ҳам бўлур. Мана, қай тараф юрсангиз, бозор ўн қадам, дўкон бир қадам. Яна «хонтахта» ёйиб ўтирадигану ҳар эшикдан мўралаб у-бу сотадиганини айтмайсизми?! Энасидан қолган қутичасига сигареталарни тахлаб дуч келган жойда йўловчилар оралаб «чекмайсизми?» – деб сўрашларига не дейсиз?

Бир-биридан савлатли сумкаларини «эргаштириб» вагонга чиқувчи аёлларни «бағрига олиб» келаётган поезднинг «дум-пуш, дум-пуш» овози ҳам «пўш-пўш» дегандай эшитиладиган бўлиб қолган. Йўл ҳам бозор ҳам, йўлак ҳам.

Магар ҳисоби қилинса, олгувчидан сотгувчи кўпдир. Қараб турсангиз, ҳозиргина савдони пишитиб аравачасини сиздан тўлдириб кетган олгувчи ўн қадам юриб ғирт сотувчига айланади-қўяди! «Кеб қолинг, обқолинг, ҳозиргина Америкадан келди, биринчи қўл, энг арзони...» Айтаверсам, унча-мунча хонадонларнинг ҳам бир тарафи ҳовли, бир тарафи дўкон. Жуда бўлмаса, ҳеч ким «заказ» қилмаса ҳам, «заказ сомса» деган ёзув эшигининг пешонасига осиғлиқ туради.

Индаллоси, фарзанд дунёга келди иборасини нақ юз фоиз гарантия билан «болам бозорга келди» десак, асло янглиш кетилмайдир. Илло, машойихлар бежиз сўзни топурлар – бу дунё бозор...

Онагинам юрт ошади, бозор суйгон,
Йўлда мени етти ойда туғиб қўйгон,
Сал бўлмаса хорижбола бўлар эдим,
Ўз юртимга сафар қилиб келар эдим.
Яхшиямки, гувоҳнома бермас экан,
Чет болани ўзиники билмас экан.
Онагинам қувонганча келақолди,
Ўз уйида «қўзилаган» бўлақолди.
Фақат исм қўймоқ бироз келди озор,
Биров Йўлдош ё Йўлчи дер, биров Бозор...
Э боре, деб исмим ўзим айтай дедим,
Сал қолди-я, тилга кириб кетай дедим.
Ортиқ сарсон қилишмади ҳарна мени,
Бўлдик-қўйдик катта йўлнинг «Бизнесмен»и.
Бири икки бўлганидан отам ҳам шод,
Шундай қилиб, бир хонадон файзулобод.
Бозор ишин ҳамма шундай билсин экан,
Ўз уйига кўпайишиб келсин экан...

У ҚЎЛИММИ БУ ҚЎЛИМ

Ҳамма сотувчилар гапини «бу биринчи қўл» деган ибора билан бошлайди. Ажабо, савдода олибсотар деганини ҳеч «иккинчи қўли» йўғ-а, бирор жойда «бу иккинчи қўл» деганини эшитмайсиз. Баъзан гапининг мағзида айтиб туриб ҳам тонади, «бизга олиб келишади, бу биринчи қўл» дейди-қўяди. Ё тавба, олиб келувчи қўлини текизмасдан пошнаси билан туртворар эканми?! Ҳеч қурса, пулини оёғи билан санаб олмас ахир.

Йўқ, қўлдан-қўлга ўтиб, ялтираб кетган бўлса ҳам «биринчи қўл», тамом-вассалом. Бозорга «иккинчи қўл» ҳеч қачон суқилмайди, «учинчиси» ҳақида гап бўлиши мумкин эмас! Қанча «нечанчи» қўл бўлса, ҳаммаси орқада туриб «биринчи қўл»дан олаверади, олдинда фақат «биринчи қўл», «тозаси», ҳеч кири йўқ, янги мол-да. Фақат бироз кун олган холос, айбга буюрмайсиз – бозорчилик. Бу ёғи, ҳар юртда фалон кундан «ёйма»да керилиб офтобойимни ҳар қанақасига томоша қилиб келган жаҳонгашта, кўпни кўрган, офтобга чайилган моллар. Қулинг ўргилсин, «Биринчи қўл»да турибди.

Савдога тушди йўлим,
Қўл узатур ўнг-сўлим.
Боши бўлса ҳам кимда,
«Биринчи қўл» ўзимда,
Ари тегмаган асал,
«Баклашка»да об кавсар.
(Олмасангиз ҳам яланг,
Ёлғондакам нарх сўранг).
Бошдан-оёқ сарупо,
«Мода-3000 – Оврупо».
Минг яшайсиз кийсангиз,
Эгаси йўқ, куйсангиз...
Бузоқ тотмаган сут бор,
Говмиш бехабар эт бор.
Ёмғир кўрмаган этик,
Амаллаб сизга элтдик...
Бир тўлқинда минг овоз –
Радиолар бор, жа соз!..
Қайси бирини айтай,
Дунё четидан қайтай.
Ҳаммаси «биринчи қўл»,
«Биринчи қўл» – пулчи қўл...

Мол сотган қўл нечанчи бўлса бордир. Лекин ҳақиқий «биринчи қўл» аслан қайси эканин биласизми? Йўқ дейсизми? Йўғ-е? Ўшал молнинг энг сўнгги харидори бўлиб пул узатган ўз қўлингизни наҳотки билмасангиз?! Молни мол қилиб ясаган бирламчи бўлур, деяётгандирсиз. Ана, яшанг. Худди ўша бирламчи – ишловчи сиз бўласиз, олган нарсангизни ремонт билан ясайсиз, а лаббай? Жуда «дўппи тор келса» ахийри чиқариб сотсангиз ҳам бўлади «биринчи қўл» деб!

«Қизиқлар дафтари»дан

КИМ ОЛОЛАДИ?

Нега ҳамма маҳсулотлар рекламасида уларни ҳайвонларга, айниқса, шер ва айиқларга едириб-ичириб-кийдириб мақташади? – сўради билағонлардан бири.

– Ҳамма нарса олдин ҳайвонларда синаб кўрилади, – деди биринчи билағон.

– Йўқ, бу ушбу маҳсулотларни шерлар ва айиқлар сотиб олиши мумкин дегани, – эътироз билдирди иккинчиси.

– Шуям гап бўлди-ю, – деди учинчиси, – шер ва айиқлар ов қилади, бозор эмас. Рекламага келсак, менимча, бу кийиклар ва бошқа майда-чуйда ҳайвонларни чалғитиш учун ўйлаб топилган бўлса керак.

– Ҳеч бирингиз тополмадингиз, – деди энг кичик билағон. Бу, масалан, шоколадни шернинг оғзидан ким ололади, – деганидир.

ҚИЗИҚБОЛА

ЭПЧИЛ ХОЛАМ УЙДАМИ?

Бозор тилиям ажабтовур-да, баъзан ҳайрон қоласиз. Масалан, мана битта тагли-тугли мисол, бозорчи ўз юртида турибди-ю «юртга кетяпмиз» дейди, худди ўз уйида ўтириб «уйга кетяпман» дегандай. Мабодо юртлар ошиб келса «юртдан келдим» ҳам дейишади. Ғалат-да, масалан, хотини ҳозиргина уйга кирган бўлса-ю, эрига «уйдан келдим» деса...

– Алло, Эпчил холам уйдамилар?

– Йўқ, адам иккови юртга кетган.

– Кечагина келувдию? Бир-икки кун оёқ ёзиб, уйда ўтирса бўлмайдими?

– Ким билади, ўтирсак ўтириб қоламиз, дейишдию «баклажка»га чойни дамлаб момент кетишди...

Ана шунақа, уларнинг ён-веридагилар ҳам «фалончи юртга қатнайди» деб гапирадиган бўлишган. Лекин, аҳли бозорчи юртини билмайдиму десак хато бўлар, чунки чор тарафга кетишиб яна адашмай келишади. Тўғри, аслан бу иборада «юртга» сўзининг олдига «фалон» деб қўйса – масала равшан, лекин ким билади, униси бизнес сири бўлса керак-да. Майли, нима ҳам дердик, юрган – дарё, ўтирган – бўйра, демишлар.

Дарё бўл, бўлма бўйра,
Юртма-юрт оқиб яйра.
Сўраб чарчар холанг ҳам,
Тополмасин боланг ҳам...

Ҳажвий материаллар муаллифи: УЗРО

Халқ санъати

ЖИСМ АРО ЖОН ЖЎШКИНЛАР

«Бу олам саҳнида гул кўп, чаман кўп», – деб лутф қилган эди ҳазрат Навоий. Шу сингари санъатнинг кенг даргоҳида ўзига хос йўналиш топган, бугунги кунда ижодкорлар томонидан сайқалланиб бораётган Хоразм халфачилик санъати бўстонида ҳам мумтоз гуллару янги чечаклар кўп. Биз ҳали махсус тадқиқ этилмаган санъатнинг ушбу услуби, тарихига қизиқдик ва илк ўрганишларимизни сизга-да ҳавола этмоқ истаги пайдо бўлди.

Аввало, халфачилик асосан Ўрта Осиёда кенг тарқалган бахшичилик санъатидан ирмоқ олган ижод тури эканлигини таъкидлаш жоиз. Чунки катта бахшилар куйлаган достонларнинг айрим қўшиқларини аёллар ўз даврасида (яккахон тарзда) айтишгани, бу анъана аста-секин оммалашиб боргани кузатилади. Кейинчалик халфачилик аёл санъаткорлар ижрочилигининг гўзал намунасига айланди, йилдан-йил ўзига хос ирмоқлар ҳосил қилди, санъатда янги бир услуб шаклланди.

Хоразмда XIX аср бошларида халфачилик сифатида мукаммаллаша бошлаган бу услуб Онажон халфа, Бибижон халфа, Онабиби қори Шукуржон халфа, Дурхоним халфа ва бошқа кўплаб ҳофиза аёлларнинг гармон чалиб, қайроқ қўшиб, баъзан пиёлалар жарангида таралган айтимлар билан бойиб борди. Бу ҳофизалар нафақат достон қўшиқларини, балки халқ оғзаки ижодига мансуб айтимларни ҳам куйлашган, ўзлари шеър битиб куйга солганлар. Гарчи замон зайли аёл зотининг қаддини дол, қадрини увол қилган, уларни жамият ҳаётида иштирок этишига йўл қўймаган жаҳолат ҳукмидаги даврлар бўлсада, халфачилик санъати намоёндалари кўп тазйиқ таъналар остида мардона ижод қилганлар. Нозик вужудлари устида қамчи ўйнаган, жаҳолатпарастлар азоб-уқубатларга солган пайтлар ҳам кўп бўлган. Бундай тазйиқлар, айниқса, Исфандиёрхон ҳукм сурган йилларда авж олган эди.

Қалбни тўлдириб, юрак жунбушида мавжланавергувчи илҳом, куйлаш завқи аёл кўнглини ишқу муҳаббатга, инсонийликка, неча кўнгилларни шод этмоқ шавқига чулғайверган.

Аввал якка ижрочилик тарзида пайдо бўлган халфачилик санъати, кейинроқ айтишувлар, уч-тўрт бўлиб жўровозликда куйлаш анъаналари билан ҳам кенг қамров касб этиб борди. Уларнинг кўпчилиги машҳур шоира ва халфа-қўшиқчи Ожиза шеърларини куйга солиб айтадилар. Халқона бу айтимлар тўй маросимларида, халқ сайлларида, гурунг-гаштакларда эл дилини хушнуд этиб келади. Бу санъат намуналари панд-насиҳат, ишқий мавзуда ҳамда ижтимоий ҳаётга, зулму ситам замонларига муносабат тарзидаги талқинлардир. Шунданми, Хонимжон халфани «қоронғулик салтанатида хон зулмига қарши қалб билан туғён кўтарганларнинг бири эди», – деб таърифланади.

Ожизанинг «Тарғунча» қўшиғини ҳали-ҳануз кўплар ёд билади:

Ука, қутлуғ бўлсин
кўнглингни шоди,
Сен менга баён эт, ким
унинг оди,
Парими, малакми
кимнинг авлоди,
Қайдин олдинг ука бу
тарғунчани?

Йигитнинг севикли ёрини ҳавас билан тасвирлаган содда, эл кўнглига яқин бу каби куйловларни халқимиз ҳалигача севиб тинглайди. Халфа аёллар соз чалиш, қўшиқ айтиш, рақс тушишга моҳирлиги билан тўй-томошаларнинг гули бўла олар, даврани қизитиб, куй-қўшиқ, рақс шавқларини тўй хурсандчилигига пайваста этарди. Миллий санъат дурдоналари эл хотирида беихтиёр ёд бўлиб, кўнгилдан кўнгилга кўчиб яшаб келаётир.

Кўшагана қурилғой
айвонингда, ёр-ёр,
Ўғил-қизинг ўйнагай
давронингда, ёр-ёр,
Даврон билан етгайсан
муродингга, ёр-ёр,
Ҳеч ёмонлиқ бўлмагай
авлодингга, ёр-ёр.

(Кўшагана – хоразмча: «чимилдиқ» деган маънода)

Устоз халфалар устоз-шогирдлик анъаналари асосида ёш санъаткорларни ҳам тарбиясига олишган. Ҳозир ҳам бу анъаналар давом этиб келаётир. Бугунги кунда ёш халфа қизлар гуруҳлари ташкил этилган. Уларнинг ижодида ёзма адабиёт намуналарини ҳам учратиш мумкин. Халфачилик санъатига доир айтимларни ерли халқ «халфа қўшиқлари» дейди ва жон-дилидан севиб тинглашади, аксариятини ёд билишади.

Бу кулбаи ахзона
хуршиди жаҳон галди,
Гўёки ўлик эрдим,
жисмим аро жон галди.

Гўзал РАЗЗОҚОВА,
ЎзМУ магистранти

Бахром ТОЖИЕВ чизган



ОХИРГИ СЎЗ

Эшакка шох чиқса, ҳаммани сузиб ўлдирар эди.

Одат ва фаросат

«ИКИР-ЧИКИР» ГАПЛАР

Турмуш одатларимизда шундай ишлар борки, улар шу қадар ўзлашиб кетганки, тўғринотўғрилиги ҳаёлимизга ҳам келмайди, бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмаймиз.

Чой дамлашни олайлик. Ҳамма чойнакни қайноқ сувда чайиб, қуруқ чой ташлайди ва устидан қайноқ сувни қуяди. Аммо бу ишнинг ундан маъқулроқ йўли бор экан: камина поездларда чой дамлаб юриб «ихтиро» қилган эдим: қуруқ чойни қайноқ сувнинг устидан ташлаб беш минут дам едирсангиз кукраб бақам бўлиб чиқаркан.

Кўҳна дунё эмасми, ана шу усулни мендан олдин бир инглиз чойхўр ёзувчи таъриф-тавсиф қилиб кетган экан. Кейин билдим.

Худди шунингдек, – оддийгина гугурт чақишни олайлик. Кўпчилик чўпни қути дорили томонининг узунасига қараб тортади. Шу аснода дастлабоқ чақнаб бўлган чўп йўл-йўлакай дорини қуйдириб кетади ва натижада қути тезда хит-ҳирфи бўлиб қолади ва кейинчалик ўт олдириш қийинлашади. Аммо чўпни аввал бошдан қутининг кўндалангига қараб тортсангиз унинг дориси чўплари тугагунча «янги»лигича қолаверади.

Шунингдек, пастали ручкани тутиш қоидаси ҳам бор: ёзиб бўлгач, учига пойнагини кийгизиб оғдирган ҳолда қолдирсангиз – керак маҳалда дарҳол равшан ёзиб кетаверишингиз мумкин бўлади – учи қуриб қолмайди. (Тик ҳолатда ҳам қолдирмаслик керак: пастасини бироз «қусиб» қўйиш ҳам бор).

Оддий бир «аччиқ-чучуги»мизни олайлик. (Уни «шакароб» ҳам дейишади). Тез сепиб помидор билан пиёз аралаштирилганидан кейин ажойиб бир селобали таъм вужудга келади. Европаликлар эса ликопчада помидор алоҳида тўғралган, пиёз алоҳида тўғралган ҳолда дастурхонга тортадилар.

Суюқ овқат тарелкага сузиб берилиши ҳам ноқулайдай. Косага сузилса ихчамроқ жойни олади, овқат иссиқроқ туради, косани бир қўл билан ҳам тутса бўлади, бўшаганларини эса даста-даста қилиб қучоқлаб бемалол ташийвериш мумкин.

Чинни заводларининг конструкторларига ҳам бир-икки мулоҳазамиз бор. Пиёла, коса ювиб тўнтарилгач, кейин уни йиғиштириб олингчи! Таги зеҳли қилиб қуйилмаганлигидан бармоқларингиз сирпаниб кетади: бир сирада ағдариб ололмайсиз. Бу борада япон чиннигарларига тасанно! Пиёланинг таг зеҳи шундай бўрттирилганки, бемалол ушлаб олса бўлади.

Одатда чойнакнинг қопқоғи йўқолиб қолмаслиги учун дастагига ип боғлаб ишлатилади. Шуни назарда тутмаган баъзи «ҳафтафаҳм», конструкторлар қопқоқ бандини силлиқ конус шаклида қуйдириб, ип боғлашга бўғиз қолдирмаган бўладилар: ип боғласангиз албатта сирпаниб чиқиб кетади. Шундан безор бўлган хонадонлар қопқоқнинг тешигидан ип ўтказиб дастагига боғлаб эплашади. Бунинг қанчалар гигиенага зид эканлиги ўзингизга маълум.

Кишининг турмушига яхши хизмат қилиб келган буюм-ашёларга нисбатан бунақа «уста бузармонлик» қилиш ҳоллари тез-тез учраб туради.

Масалан, водопровод (қувир ариқ) қудуқларининг қопқоқларини олайлик. Бурун у дўнгса қилиб қўйилиб, бети ромба шаклида «чизилган» бўларди. Бундай шакл унинг пишиқлигини бирнеча баравар ошириб, бетида қор-ёмғир кўпда туриб қолмасди. Эндиликда шу қопқоқ ясси қилиб қўйилган ва бетига «тўлқин чизик» тортилган. Бундайин қопқоқ бетида лой-тупроқ маҳкам ўрнашиб олмокда.

Чўян обдасталарни қуйишда ҳам бир хато улашни кузатасиз: унинг жўмраги қорнининг тубига яқин жойдан бошланиши керак (бурунги мис обдасталарга қаранг). Шунда сув равон қуйилади. Энди бўлса жўмрак унинг белидан бошлаб чиқарилганки, сувини қуйишда кишини ортиқча уринтириб қўяди.

Бунақанги «пишиб кетган» нарсалар хусусида зинҳор-базинҳор «янгилик» яратмаслик керак.

Тошкентдаги кўҳна Кўкалдош мадрасаси хусусида ҳам бир сўз. Унинг кўчага қараган ёнига узун магазин қурилганди. Шуни бузиб ташлашганидан ёндевор очилиб қолди. Бунинг оқибатида тепадан бемалол оқиб тушган қор-ёмғир пойдевор даҳанасига шимилиб, 400 йилдан бери адил турган мадрасанинг бирёғи чўка бошлади: қўл сиғадиган ёриқлар пайдо бўлди. Бунинг олдини олиш учун мадрасанинг ўша кўча томонидан деворига бир неча учбурчак ғиштин тиргак деворлар ишлаб чиқилди: шундан сўнг чўкиш тўхтади чамаси. Бироқ шу учбурчак тиргаклар орасининг таг юзи нишаб қилинмаганлигидан, чакка суви яна девор тагига йиғилиб ерга сингимоқда... Вақт ўтиб мадраса яна чўкиши мумкин.

Сув дедигу, якинда мен сув сарфининг ҳисобкитоби ҳақида телевизорда кишини ҳайратга соладиган бир статистик маълумотни эшитиб қолдим: биздаги сув сарфи Европага қараганда тўрт баравар кўп экан. Жон бошига кетадиган сув уёқда ҳам, бу ёқда ҳам бирдай бўлса-да бизда шунинг тўртдан уч қисми исроф бўлиб, увол бўлиб оқиб кетаркан. Энди-эндигина у ер-бу ерга водомер – сув сарфининг ҳисоблагичларини ўрнатиб, эсимизни йиғиштириб олаётирмиз чоғи.

Ўтмишда асосан ариқ суви ишлатилган бўлсада, у ҳам тежаб-тергаб «ҳисоб қилиб» борилган, ахир. Айтишларича, ўша замоннинг атоқли кишиларидан Убайдуллахўжа маҳдум бир боғ сайрига мукаллиф бўлиб қоладилар. Ул зот боғ кўчага бурилсалар йўл ёқасидаги ариқдан шарқиллаб сув оқиб ётипти ва кўча юзига қўлабатиб сув сепиб қўйилибти-да!

– Хўш, кўчага сув секишга ким фатво берди? – сўрайдилар маҳдум чамаси ўша жойлик бир кишидан.

– Ҳа, энди «тупроқ босди» қилишганда...

Шунда маҳдум шарт бурилиб бундай исрофгар мезбоннинг меҳмондорчилигидан ҳам воз кечиб орқаларига қайтиб кетган эканлар...

Шарафиддин КЎНЧИ

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ҳокимияти томонидан Турсунов Йўлдошбек Халилович номига берилган 10-01/2549 рақамли давлат ордери йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ҲОМИЙЛАР УЧУН МАЪЛУМОТ

Ҳисоб реквизитларимиз: «Миллий тикланиш» газетаси ҳисоб рақами: 20212000900127285001, Ўзсаноаткурилиш банки, минтақавий бўлим. МФО 00424, ИНН 201133929

Milliy Tiklanish
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ўткир ҲОШИМОВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ, Ойдин ҲОЖИЕВА, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Гуландом БОҚИЕВА, Дилором МАТКАРИМОВА (Бош муҳаррир ўринбосари)

Газета 00136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 530.
Сотувда нархи эркин.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Бахтиёр ҚЎШОҚОВ.
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 20.00

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси — 30 уй.
Телефон 144-81-28.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Навбатчи — Абдушукуров МУЗАФФАР

Босишга топширилди 19.30